

Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O‘ZBEKISTON adabiyoti va san’ati

ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MARIFIY, IJTIMOIY GAZETA

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 21-aprel №15 (4726)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимизнинг виждон эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларимиз туфайли яратилган қулай имкониятлардан самарали фойдаланиб, халқимиз муборак Рамазон ойини тинчлик-хотиржамлик ва шукроналик билан ўтказмоқда.

Айниқса, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар ва нуронийлар жамоатчилиги, диний уламоларимиз томонидан жойларда кўплаб маънавий-маърифий ишлар амалга оширилаётгани, саховат ва меҳр-мурувват тадбирлари доирасида кам таъминланган, ёлғиз ва ногиронлиги бўлган инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилаётгани Рамазон ойининг аҳамияти ва файзу тароватини янада оширмоқда.

Ана шундай хайрли ишларнинг давоми сифатида улуғ айём – Рамазон ҳайитини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда ўтказиш, унинг моҳиятида мужассам бўлган меҳр-оқибат, саховат, олижаноблик ва бағрикенглик фазилатларини асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, эл-юртимизнинг эзгу ният ва орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **21 апрель – жума** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2023 йил **21 апрель** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Рамазон ҳайити байрамини муносиб кутиб олиши ва юксак савияда ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида **2023 йил 24 апрель (душанба)** куни иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ходимлар учун **қўшимча дам олиш куни** сифатида белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон ҳайити халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Маданият ва туризм вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун муборак Рамазон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларини ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 20 апрель

Рамазон ойида юртимизга Аллоҳ таолонинг раҳмати ёғилди. Мўмин-мусулмонлар субҳидамда саҳарлик дастурхонидан туриб ибодатга киришди. Файзли оқшомларда эса ифторлик қилиб, қалб роҳати – таровеҳ намозини адо этишди. Аллоҳ таоло фарз қилган закотлар адо этилди, фитр садақаси ҳамда фидялар берилди.

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ, ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ

Аллоҳга беҳисоб шукр, бу йилги Рамазон кунлари ва тунлари жуда файзли ва мароқли ўтди. Айниқса, бу моҳи шарифнинг муборак айёмларини ғанимат билиб, қўлдан келганича рўза тутиб, нафс тарбияси билан машғул бўлдик. Ҳадиси шарифга амал қилиб, тилни ёлғон, ғийбат ва беҳуда гаплардан тийиш, тана аъзоларини турли гуноҳ ва маъсиятлардан сақлашга ҳаракат қилдик. Қутлуғ ойда 1,5 мингдан ортиқ жомеда Қуръони карим хатм қилинди. Мухлис халқимиз Ҳақ таоло Каломига сомеъ бўлди. Уламоларимиз ва имом-хатибларимиз намозхонларга бу ойда кўпроқ ваъз-насиҳатлар қилишди. Бундай саодат Президентимиз ташаббуси билан кейинги йилларда диний-маърифий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар мевасидир, десак, айни ҳақиқатдир.

Жорий Рамазон ойи халқимиз учун эсда қоларли ва меҳр-мурувват, хайру саховатга бой ўтди. Юртимиз бўйлаб ҳар бир маҳаллада муҳтож оилалар ва бева-бечоралар, етимлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ифторлик дастурхонлари ёзилди, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Бундай эзгу ишлардан яна бири Юртбошимизнинг ғамхўрлиги ва қўллаб-қувватлови билан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг 1400 нафари умра зиёратини адо этиб қайтдилар. Бу яхшиликлар қаторида ҳудудларда ўнлаб масжидлар янгидан иш бошлагани минглаб намозхонларнинг кувончига сабаб бўлди.

Албатта, бундай улуғ неъматларнинг қадрига етиб, динимиз равнақи йўлида қилинаётган ишларни Аллоҳ таолонинг улуғ марҳамати деб қабул қилишимиз, бунинг шукронасини ҳамиша адо этишимиз лозим.

Ҳайит кунлари маҳаллалар, хонадонлар тоза-озода ҳолга келтирилади. Қариндош-уруғлар, етимлар, бевалар, кекса ва имконияти чекланган инсонлар, беморлар ҳолидан яна бир карра хабар олиниб, уларнинг кўнглини кўтариш, оғирини енгил қилишга кўмаклашилади.

Рамазон ҳайитини дунё мусулмонлари қатори юртимиз аҳли ҳам катта шодиёна ва хурсандчилик ила ўтказади. Ушбу кун Яратган эгамнинг раҳмати Ер юзига ёғиладиган, қалблар завқланадиган, рўзадорларга ажрлар бериладиган ажойиб фурсат.



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: ***“Ҳар бир қавмнинг ўз байрами бор, бу – Ийд куни бизнинг байрамимиздир”,*** деб марҳамат қилганлар.

Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ “Фатҳул Борий” асарида шундай деган: ***“Ҳайит кунлари шодликни изҳор қилиш динннинг шиорларидандир”.***

Аллоҳ таолога қилинган тоат-ибодатлар, У зотнинг бандаларига кўрсатган раҳмату мағфирати туфайли хурсандчилик изҳор қилиш учун бир муносабатдир. Аллоҳ таоло ўз Каломида: **“Аллоҳнинг фазли ва раҳмати ила. Ана шу билан хурсанд бўлсинлар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир”, деб айт”**, деб марҳамат қилган (*Юнус сураси, 58-оят*).

Аллоҳнинг фазлидан хурсанд бўлиш ҳам У зотга қурбат саналади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: ***“Фарз амалларидан кейин Аллоҳга энг маҳбуб амал мўминнинг қалбига хурсандчилик киргизишдир”*** *(Имом Бухорий ривояти),* деганлар.

Ҳар бир мўмин-мусулмон учун Роббининг ибодатини адо этиш чинакам бахту саодатдир. Рамазон ойида ҳар кунги саҳарлик ва ифтор пайтларида оммавий ахборот воситалари, хусусан, радио ва телевидение каналлари орқали уламоларимизнинг чиқишлари мунтазам бериб борилгани халқимиз маънавияти, маърифати йўлида ҳар қандай улуғвор тадбирдан ҳам кўра самаралироқ таъсирга эга бўлди, десам асло янглишмаган бўламан. Албатта, ўзагини “адаб” тушунчаси ташкил этадиган адабиёт намояндалари – юксак адаб соҳибларининг тафаккуридан, қалб кўридан дунёга келган асарлар ҳам халқимиз миллий тафаккури юксалишида нечоғли аҳамиятга молик эканини инкор этиб бўлмайди.

Ўзбек зиёлиларининг, тафаккур соҳибларининг минбари бўлиб келган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси диний йўналишларга энди-энди изн берилаётган кезларда ҳам Ислом маърифатига хизмат қиладиган мақолаларга бағрикенглик ва дадиллик билан жой берганини, диний уламоларимиз билан суҳбатлар уюштирилганини барчамиз яхши эслаймиз. Муборак ҳадисларни сатрларга солган шеърият мулки султони Алишер Навоий бобомизнинг эътиқоду иймонда собитлиги ҳам барчамизга ўрнак эканини инобатга оладиган бўлсак, миллий адабиётимизнинг Ислом маънавияти, маърифати йўлидаги беқиёс хизматларини тасаввур этиш қийин эмас. Ул зотнинг “Назм ул-жавоҳир” асарининг “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” каломи билан бошланган “Муқадимма”сида Аллоҳ яратган нарсаларнинг қадр-қиммати ҳақида ажойиб бир рубоий бор:

Бир заррани меҳри
зарфишон васф этмиш,
Бир қатрани баҳри
беканор васф этмиш,
Бир хастани Исойи
замон васф этмиш,
Бир бандасини шоҳи жаҳон
васф этмиш.

Кўринадики, бугунги кунда муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилаётган халқ манфаати, инсон қадри тушунчалари илдизлари муқаддас динимиз орқали улуғ аждодларимиз қарашларида ҳам ўз аксини топган экан. Ҳар бир инсон ўз камолоти йўлида саъй қилса, уни албатта, “шоҳи жаҳон васф этади”. Рамазон ойи заҳматлари шу йўлда қалбимизга бахш этган фароғатлар барчамизга муборак бўлсин. Ҳа, Рамазон байрами иймон ҳаловати, ибодат ва дуо-истиғфор байрами. Бу байрамда мусулмонлар жоме масжидларга тўпланиб, Ийд намозини жамоат билан ўқийди. Сўнг дуолар қилиб, ўтганларнинг руҳини шод этади, эл-юртга, Ватанга, бутун дунёга осудалик тилаб, илтижолар қилади.

Яратган Парвардигор бутун дунё мусулмонларига Рамазон ҳайити байрамини муборак айласин, бутун оламга тинчлик-хотиржамлик ато этсин, ибодатларимизни даргоҳида қабул этсин, она Ватанимизни обод, халқимиз ҳаётини янада фаровон қилсин!

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Референдум

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯНГИЛАШ ЭҲТИЁЖИ

Бугун шиддат билан ўзгараётган дунёда рўй бераётган гиёсиёсий вазият, энг аввало, мамлакатимизни келгуси беш йилда ривожлантиришга қаратилган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси ва унда белгиланган мақсадларни амалга ошириш нафақат қонунларимизни мустаҳкамлашни, балки Бош Қомусимиздаги инсон қадрини юксалтиришга қаратилган нормаларни ҳам такомиллаштириб, замон талабларига мослаштиришни тақазо этмоқда.

Хабарингиз бор, ўтган йили май ойи бошларида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари томонидан Конституциямизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси илгари сурилганди. 2022 йил 20 май куни эса, Сенат ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг қўшма мажлиси ўтказилди. Йиғилишда Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш катта куч ва масъулият талаб қилиши, бунда ҳар бир фуқаронинг фикрини тинглаш зарурлиги қайд этилиб, ушбу вазифалар билан шуғулланувчи Конституциявий комиссия ташкил қилинганди.

2

Адабий дўстлик – абадий дўстлик

ЎЗБЕК АДИБИНИНГ КИТОБИ ОЗАРБАЙЖОН ТИЛИДА

Ўзбек ва озарбайжон халқлари қадимдан мустаҳкам адабий алоқада бўлиб келганлар. Кўҳна туркий битиктошлар, эртак ва ривоятлар, мақол ва ҳикматлар, “Кўркут ота китоби”, “Гўрўғли”, “Ошиқ Ғариб” сингари ўлмас достонлар бебаҳо маънавий хазина сифатида халқларимиз учун бирдек қадрлидир.



Мумтоз адабиётимизнинг буюк сиймолари бўлмиш шоир ва адиблар ижоди барчамизнинг фахру ифтихоримиздир. Улуғ мутафаккирлар Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий ғазаллари озар халқи учун қанчалик қадрли бўлса, Низомий, Фузулий, Насимий, Воқиф ижоди ўзбек халқига ҳам шунчалик азиздир.

Тили ва дини, урф-одатлари, тарихи ва маданияти муштарак бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари барча соҳаларда, жумладан, маданий-гуманитар йўналишда бугун ҳар қачонгидан ҳам юксак босқичга кўтарилаётганига гувоҳмиз. Ўзбек ёзувчи ва олимларининг асарлари озарбайжон тилига, озарбайжонлик қардошларимизнинг асарлари эса она тилимизга таржима қилиниб, газета ва журналларда босилмоқда, китоб бўлиб нашр этилмоқда.

Яқинда Боку шаҳрида таниқли ижодкор Хайриддин Султоннинг “Миллатчининг жазоси” деб номланган китоби озарбайжон тилида нашр этилиши яна бир муҳим воқеа бўлди. Китобга маҳоратли адибнинг ўнта сара ҳикояси киритилган.

Эътиборли жиҳати, тўпламдан жой олган ҳикоялар аслиятда, яъни ўзбек тилида ҳам берилган. Бу эса ўзбек ва озарбайжон тили ва адабиётини ўрганишга интилаётган ёш адиблар, тадқиқотчи ва талабалар учун ҳам қўшимча имконият туғдиради.

Китоб озарбайжонлик таниқли адиб, таржимон ва олим, Боку давлат университети профессори Рамиз Аскер томонидан озар тилига таржима қилинган.

Миллий адабиётимизнинг чин дўсти ва толмас тарғиботчиси бўлган Рамиз Аскер ўзининг кўп йиллик изланишлари, тинимсиз меҳнатлари натижасида ўзбек адабиётининг мумтоз намояндалари ижодий меросини, хусусан, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Маҳбуб ул-қулуб”, Султон Ҳусайн Мирзонинг “Девон”и, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, “Танланган асарлар”ини, шунингдек, “ХХ аср ўзбек шоирлари антологияси” каби ўнлаб китобларни маҳорат билан таржима қилиб, озарбайжон тилида нашр эттирган.

Айни вақтда олим “Алишер Навоий: шахсияти ва санъати”, “Алишер Навоий ва унинг “Хамса”си” рисолаларини ҳам яратган.

Янги китоб озарбайжонлик фидойи таржимон ва олимнинг ўзбек адабиётига бўлган самимий ҳурмат-эҳтиромидан яна бир далилдир, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Китоб “ТУРКСОЙ кутубхонаси” сериясида чоп этилган.

Қуйида таржимон Рамиз Аскер томонидан ушбу тўпламга ёзилган сўзбошини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

4



НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК ФЕСТИВАЛИ

Шу кунларда юртимиз бўйлаб Халқаро анъанавий Тасвирий ва амалий санъат фестивали бўлиб ўтмоқда. 2023 йил – “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”га бағишланган мазкур Халқаро фестиваль муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академиясида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

5-6



С.Йўлдошев. Карвон.

Султон РАЕВ,
ТУРКСОЙ халқаро туркий маданият ташкилоти котиби:



– Турк дунёси рассомлик санъатини танитиш, рассомларимиз ўртасидаги алоқаларни яхшилаш ҳамда тажриба алмашиш имкониятини бериш мақсадида 25 йилдан бери “ТУРКСОЙ Рассомлар Учрашуви” ташкил қилинмоқда. 1997 йилдан бери изчил ўтказиб келинаётган учрашувларда беш юзга яқин маҳоратли рассомлар қатнашди ва 2000га яқин асар дунёга келди. Учрашувлар натижасида яратилган ноёб асарлар асосида тайёрланган кўргазмалар Нью-Йорк, Теҳрон, Флоренциядан Рабатгача минглаб чақирим йўл босиб ўтди ҳамда 30та мамлакат ва 100га яқин шаҳарда ташкил қилинди. Бу кўргазмалар туркий халқлар маданиятини ва Турк дунёсининг маҳоратли рассомларини санъат ихлосмандлари билан учраштирди. Ушбу асарларнинг деярли барчаси “ТУРКСОЙ расмлар коллекцияси”да жамланган.

Ҳар йили “ТУРКСОЙ Рассомлар Учрашуви”га ташриф буюрадиган рассомларнинг энг мукаммал суратларига “ТУРКСОЙ расм мукофоти” берилади. Бугунга қадар Зебинисо Шарипова, Ортиқали Қозоқов, Адҳам Иброҳимов, Фахреттин Феттаҳов, Хайриддин Муҳиддинов, Набижон Қодиров, Ёқубжон Сидиқов, Нодир Бобомуратов, Хуршид Назаров каби рассомлар Ўзбекистон номидан иштирок этишди ва баъзилари ТУРКСОЙ мукофотини қўлга киритишди. Ўзбекистон Бадиий академияси хориждан кўплаб рассомлар иштирокида турли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Бу йилги фестиваль ана шундай тадбирлардан биридир. Албатта, бу тадбирларнинг муваффақиятли ўтиши ва дунёда акс-садо беришида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддиновнинг хизматлари катта.

Фестивалимизнинг янада гўзал ўтишини истаган ҳолда, қадрли иштирокчиларимизга муваффақиятлар тилайман. Ўзбекистонда ҳар йили 21 апрелда нишонланадиган “Рассомлар куни” муносабати билан барча рассомларимизни муборакбод этаман.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига, Ўзбекистон Бадиий академиясига ҳамда ҳисса қўшган барча ташкилотларга миннатдорлигимни билдираман.

Тақриз

МИСҚОЛЛАРДАН ЙИҒИЛГАН ҚОМУС

1992 йил 12 майда Мустамлака даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш жамоатчилик комиссиясининг ташкил этилиши Ватанимиз мустақиллиги тонгида амалга оширилган улуғ ишлардан бири бўлди. Ушбу эзгу ният шарофати билан тарихда мисли кўрилмаган ва қиёси йўқ йўналиш-соҳа – шўролар даврида халқимиз бошидан кечирган қатағону қирғин воқеалари ва уларнинг асоратларини ўрганишга ихтисослашув йўлга қўйилди. Халқимизнинг бир қатор зиёлилари, хусусан, адабий жамоатчиликда яхши танилган адабиётшунос, санъатшунос, тарихшунос олимлар XX асрнинг энг даҳшатли ва аянчли саҳифаларини ўрганишга киришдилар. Ана шу сафнинг дарғаларидан бири ҳассос адабиётшунос, санъатшунос олим Сирожиддин Аҳмад, 30 йилдан ошдики, бутун илмий-ижодий фаолиятини ўтган асрнинг биринчи ярмида тақдири, қисмати шўролар мафкураси томонидан поймол этилган ватандошларимиз, миллатдошларимиз тарихини ўрганишга бағишлаб келмоқда.

Меҳнат ва изланиш машаққатидан ҳайратга тушганимизда “Игна билан қудуқ қазиш” деган таърифни ёдга оламиз. Аслида бу таъриф айни қатағон қурбонларига тааллуқли манбаларни ўрганаётган, неча ўн йиллар мобайнида чанг ва занг остида қолиб кетган исм-шарифлар, аянчли рақамлар, маълумотларни ёруғ оламга олиб чиқаётганларнинг меҳнатини баҳолаш, улуғлаш учун яратилгандек туюлади одамга. Сўнгги йилларда олимнинг қаламига мансуб бир қатор китоблар чоп этилди. Қатағон йиллари олисларга “қочиб” кетганича йўқ. Зеро, “Яқин ўтмишимиз” десак ҳам янглишмаймиз. С.Аҳмаднинг сўнгги йилларда нашр этилган китоблари: “Ғози Юнус”, “Миллий ҳуррият адабиёти”, “Икки империя асоратида”. Буларнинг ҳар бири халқимиз яқин ўтмишда бошдан кечирган мудҳиш кечмишлардан ҳикоя қилар экан, ҳар бир маълумот нақадар қимматли эканлигини ва уларнинг ҳар бири катта меҳнату заҳматлар эвазига қўлга киритилганини ҳис этмаслик мумкин эмас.

“Қизил мустамлака: эълон қилинмаган уруш. Катта қирғин қомуси (1929 – 1950)” деб номланган залворли китоб ана шу тоифа китоблардан янада ўзгачалиги – алоҳида аҳамиятга эгалиги билан диққатга сазовор.

Маълумки, аллақачон ўтмишга айланган, “СССР” деган ном остида дунёга энг адолатли, энг фаровон ҳаёт тарзини қарор топтириш ваъдасида 74 йил ҳукм сурган давлат аслида асос-пойдеворидан бошлаб ёлғон, бўҳтонга қоришган, давлат террорига асосланган салтанат бўлганлиги дунё афкор оммасига фош бўлиб улгурди. Бироқ қаттол мустамлакапарастлик, шафқатсиз, зулм-истибдод асоратлари ҳали тўла-тўкис фош этилганича йўқ. Янада муҳими, жафокаш аждодларимиз номларини аниқлаб, кечикиб бўлса-да, уларнинг руҳлари олдидаги фарзандлик бурчимизни адо этиш учун ҳали тоқат ва сабот ила изланишлар олиб боришимиз зарурлиги аён ҳақиқат. Қўлимиздаги китоб айни ушбу мақсад-муддаода дунёга келди. У икки қисмдан иборат: биринчи қисмида шўролар сиёсати давлат тепасида қарор топган кезларданоқ ўзаро қирғинга асосланганлиги ҳақида сўз боради. Кўплаб ҳужжатлар, далилларга мурожаат қилинади. Оммавий қатли ом 1937 ва 1950 йилларда авжи кутирган ҳисоблайди кўпчилик, лекин мавжуд манбаларнинг далолат беришига қараганда, бундай қирғинга ўчлик кайфияти шўро ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ амалга кирган, тузум аввалбошдан ўз оёғига ўзи болта уриш сиёсатига гирифтор бўлган. Китобда келтирилган кўплаб архив материаллари, ҳужжатлар ва ҳоказо манбалар рад этиб бўлмас хулосалар чиқаришга далил бўлади.

Китобнинг иккинчи қисмини ташкил этган “Катта қирғин қомуси (1929 – 1950)” маълумотлари ҳеч муболағасиз узоқ йиллар мобайнида мисқоллаб йиғилган, машаққатли изланишлар, тадқиқотлар самараси ўлароқ яратилган. Сирожиддин Аҳмад 355 нафар шахсга тааллуқли маълумотларни қомус талабларига риоя қилган ҳолда мухтасар мақолалар шаклида тартибга келтирган. Таъкидлаш зарурки, келтирилган маълумотлар илмий одоб талабларига кўра, манбалари (муаллифлари, эълон қилинган саналари) аниқ кўрсатилган.

Қомус Мунаввар қори Абдурашидхонов ҳақидаги мақола билан бошланган. Давлат ва жамоат арбоби, Туркистон маърифатпарварлари ва миллий ҳуррият учун кураш раҳнамоси 1923 йилда “Маориф қаҳрамони” унвонига мушарраф бўлган, ўзбек миллий мактабининг асосчиси. 1878 йилда Тошкентда таваллуд топган бу азиз сиймо 53 ёшида Москвада отишга ҳукм қилинган ва манфур ҳукм ўша куниёқ ижро этилган.

Қомусга киритилган шахслар орасида ёзувчи, шоир, журналист, таржимон, олим, педагог, ношир ва умуман ижод дунёсига яқин бўлган зиёлилар кўпчиликни ташкил этади. XIX асрнинг сўнгги йилларида туғилган, XX асрда эса, нари борса, 25-30 йил умргузаронлик қилганлар ҳам оз эмас. Мисол учун, Маннон Абдуллаев (Маннон Рамз) турли нуфузли лавозимларда хизмат қилган, илмий текшириш институтида директор бўлган, “Туркистон хонлиги” номли уч пардали драма ёзган. Жамоат ва дин арбоби Абдувоҳидқори Абдурауфқориев араб, форс, турк ва рус тилларини билган. Сургун муддатини ўташ чоғида Лев Толстой билан бир неча бор суҳбат қурган. Шоир Аҳмаджон Абдусаидов олий диний маълумотли, Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган. Тошкентлик, китоб муқовасоз-саҳҳофи ва деҳқон оиласида туғилган Лазиз Азиззода “Туркистонда уйғониш тарихи” рисоласи, шунингдек кўплаб жадид маърифатпарварлари ҳақидаги мақолалар муаллифи. Саидризо Ализода Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Ойина” журналида, “Шарқ” газетасида муҳаррир, “Ҳуррият”да таржимон бўлиб ишлаган. Икки жилдлик “Русча-тожикча луғат” тузган, “Туркистон тарихи”, “Русия тарихи”, “Умумий Европа тарихи” асарларини ёзган, Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романини тожик тилига таржима қилган.

Қомусда номлари зикр этилган неча ўнлаб маҳкум ва маҳкумалар XX асрнинг дастлабки йилларида таваллуд топган, демак, бу ёруғ ҳаётда бор-йўғи 30-40-45 йил умр кечиришган, холос. Чунончи, “Зарафшон”, “Озод Бухоро” газеталарида, “Машраб” ва “Муштум” журналларида ишлаган ёзувчи ва шоир Абдулҳамид Мажидий исмли ёзувчи ва шоирни кўпда билмаймиз, унинг ижодий мероси билан таниш эмасмиз. Ваҳоланки, унинг раҳбарлигида Ж.Жабборлининг “Ойдин”, Н.Гоголнинг “Ревизор”, Ҳамзанинг “Иффат қурбонлари” асарлари қўйилган, унинг қаламига мансуб “Варқа ва Гулшоҳ”, “Отсиз” драмалари саҳналаштирилган. 1936 йилда эълон қилинган “Ўзбекнома”нинг Чингиз ва Амир Темур даврига оид қисмини ёзган. Шоирнинг “Қалдирғоч” ва “Рубоб” шеърий тўпламлари чоп этилган. “Кучала” достонида аксилшўровий ғояларни тарғиб қилишда айбланиб, 1938 йилда 25 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Эътиборли жойи шундаки, қатағон қилинганларнинг аксарият қисми хорижий нуфузли илмий муассасаларда таҳсил олишган, етук мутахассислар сифатида Ватанга, халққа хизмат қилиш истаги ва орзусида юртимизга қайтиб келишган, охир-оқибат эса уларнинг илми жисмига қўшиб маҳв этилган.

Оддий оилаларда туғилиб вояга етган, хорижий илмий муассасаларда ўқиб, етук мутахассисликларни эгаллаган, навқирон ёшларида нуфузли лавозимларга лойиқ кўрилган ватандошларимиз ҳаёти, қисмати ҳақидаги маълумотлардан англашиладики, ўша замонларда ҳам халқимиз орасида етук, истеъдодли илмий-ижодий салоҳиятли ёшлар кўп бўлган.

“Катта қирғин қомуси”нинг яна бир қимматли жиҳати шундаки, унда ўз вақтида кўплаб муаллифлар томонидан яратилган, лекин, афсуслар бўлсинким, ҳозирга қадар етиб келмаган бадиий асарлар тилга олинган. Маннон Рамзнинг “Туркистон хонлиги” драмаси, Юсуф Алиевнинг “Турк ўғли”, “Турк ўғли турк”, “Ю.Алиев”, “Али ўғли”, “М.Али” тахаллуслари остида эълон қилган шеърлари, Саодат Аминованинг “Воқеотлар” эсдаликлари, Аъзам Аюбовнинг Ф.Шиллер, К.Гольдони, Л.Толстой, Н.Гоголь, А.Чехов, А.Горький, М.Шолоховдан қилган таржималари, Кимё Ашурованинг “Яқин ўтмишдан хотиралар”и, Баҳромбек Давлатшоевнинг “Мустабиднинг ҳайкали ва фаҳш ўчоғи”, “Икки қурбон” (роман), “Ўзбек уруғлари” тадқиқоти, Саттор Жабборовнинг Германиянинг “Ост-Европа” журналида босилган “Туркистон шеърияти ва шоирлари”, асарлари... Рўйхатни давом эттиришдан ўзимизни тияр эканмиз, савол туғилади: қани, қаерда қолиб кетди ўша асарлар?! XX аср биринчи ярми миллий бадиий, илмий, маърифий тафаккуримиз ойнаси, кўзгуси эди-ку, ўша асарлар?! Халқимизнинг адабий, маънавий бойлиги, мероси эди-ку?!

...Излаш, ўрганиш, топиш, ардоқлаш, китобу қомуслар яратиш замонида яшамоқдамиз. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрда эълон қилинган “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши заҳматкаш ва фидойи тадқиқотчиларимизга янада катта куч-ғайрат бағишлади. Президент Фармони билан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунаввархори Абдурашидхоновнинг “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланиши, шу кунга қадар оқланмаган 115 ватандошимизнинг реабилитация қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тарихи зарварақларига олтин ҳарфлар билан битилди ҳамда мазкур воқеалар ҳақли равишда тарихий адолат тантанасига айланди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,
филология фанлари доктори,
ёзувчи

Бошланиши 1-саҳифада

ЯНГИЛАНИШ ВА ЯНГИЛАШ ЭҲТИЁЖИ

Конституцияни такомиллаштириш учун фуқароларга ўз таклифларини билдиришнинг бир неча кўринишдаги имкониятлари яратилди. Фуқароларимиз ва кенг жамоатчилик томонидан ушбу ташаббус қизғин қўллаб-қувватланди, кўплаб фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоатчилик вакилларидан иборат Конституциявий комиссия томонидан аҳолининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари тўпланди ва мутахассислар иштирокида пухта ўрганилгач, янги қонун лойиҳаси тайёрланди. Халқ фикрини ўрганиш йўли билан икки босқичда ўтган навбатдаги ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги масала батафсил муҳокама қилинди ва референдум санаси белгиланди. Жорий йилнинг 30 апрели референдум ўтказиладиган кун сифатида Ўзбекистон тарихига муҳрланадиган бўлди.

Таъкидлаш керакки, янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Конституцияси тўғрисида”ги қонунининг моддалари сони амалдаги 128тадан 155тага, нормалари сони эса 275тадан 434тага кўпаймоқда. Конституция матни 65 фоизга янгиланган, шунинг учун ҳужжат номи “Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар”дан “Янги таҳрирдаги Конституция”га ўзгартирилди. Президентимиз 2022 йил 16 июнь куни имзолаган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга биноан, референдумга доир қонунга зарур ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши фикримизнинг ёрқин далили. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига киритилган ўзгартишларга кўра, мамлакатимиз тарихида биринчи марта референдумда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар иштирок этади. Бу бўлажак референдум жараёнларини умумий ҳисобда 50-60 минг маҳаллий кузатувчи расман кузатиб боради, дегани.



Бир сўз билан айтганда, фуқаролар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар асносида мукаммаллаштирилган янги Конституцияда ҳуқуқ ва эркинликларимиз белгилаб қўйилган халқчил моддаларга янада мослаштирилмоқда. Ўз иродаси билан янгиланаётган Конституциянинг ижодкорига айланаётган халқ илгари қонуности ҳужжатларидагина акс эттирилган айрим ҳуқуқ ва эркинликларининг эндиликда тўғридан-тўғри Ўзбекистон Конституциясида қайд этилаётганидан мамнун, чунки бу ижронинг сўзсиз таъминланишида муҳим ўрин тутади. Янги қонун лойиҳаларининг халқ муҳокамасига қўйилиб, фуқароларнинг эркин фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашган ҳолда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётгани эса, нафақат сўз ва фикр эркинлигига, очиқ-ошкоралик тамойилларига, жумладан, ҳуқуқий демократик жамият қонун-қоидаларига ҳам амал қилинаётганидан далолатдир. Биз ижодкорларнинг адабий, ижтимоий фаолиятида сўз эркинлиги янада муҳим аҳамият касб этади.

Янгиланаётган Конституция жамиятда адолат ва қонун устуворлиги, суд ҳокимияти мустақиллигини ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада мустаҳкамлашни кўзда тутади. Шу боис, Бош Қомусимизни такомиллаштириш юзасидан халқимиз томонидан билдирилган ҳар бир фикр ва таклиф тўлақонли ўрганиб чиқилди. Чунки халқимиз ҳаммуаллифлигида ишлаб чиқилаётган Янги Конституция мамлакатимиз тараққиёти, фуқароларимиз турмуш тарзини юксалтириш йўлида қабул қиладиган қонунларимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Янги таҳрирда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилиниши, айрим лавозимларни сурункасига 2 мартадан ортиқ эгаллаш тақиқланиши, сенаторлар сони қисқариши, ҳокимлар ва кенгашлар раисларининг ваколатлари тақсимланиши ва бошқалар кўзда тутилмоқда.

Куни кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдумда овоз бериш бюллетенининг шакли ва тавсифи тасдиқланди. Бюллетенга “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонунга асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 14 мартдаги қарорларида кўрсатилган масаланинг матни (“Конституцияни қабул қиласизми?”) киритилди ва овоз берувчи хоҳиш-иродасининг вариантлари “Ҳа” ёки “Йўқ” деб кўрсатилди.

Маълумки, юртимизда референдум охирги марта бундан 20 йил аввал – 2002 йил 27 январда ўтказилган. Ўтган давр мобайнида, айниқса, сўнгги олти йилда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида, жумладан, миллий сайлов тизимида ғоят улкан ўзгаришлар юз берди. Инсон қадрини амалда юксалтириш тамойили давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифасига айланди. Буни фуқароларнинг сайлов ва референдумга

Турсун АЛИ

Яхшилар ёди

КЎККА УЧГАН ДЎСТ

Мана, Мурод Хидир ҳам бу ёруғ оламни тарк этди. Жони тан қафасидан қутулиб, арши аълога, Яратганнинг даргоҳига йўл олди. Муқаддас каломда, “Ёсин” сурасида айтилганидек, “Ва илайҳи туржаъуун”, яъни “Ва Унинг ҳузуригагина қайтарилурсиз”.



Мурод ака хислатли одам эди, у кишининг бобоси Хизр кўрганлардан бўлиб, “Хидир” исми шарифи ушбу воқеадан туғилгандир. Мурод ака улуғ бир кунда, Рўзаи рамазон ойида, Лайлатул қадр кечасида оламдан ўтдики, бундай бахт ҳар кимга ҳам насиб этмаслиги аёндир. Бу ҳам ўша хислатнинг белгиси, ҳойнаҳой.

Мурод ака ўтган асрнинг 60 – 80-йилларида ғоят машҳур бўлган, дастлаб Иброҳим Раҳим, сўнг Асқад Мухтор бош муҳаррирлик қилган “Гулистон” журналининг энг таниқли ходимларидан бўлган. У киши ёзган мақолалар, тайёрлаган материаллар журналнинг шуҳратига шуҳрат қўшган эди.

Ўқувчилик йилларимда журналнинг барча сонларини муттасил ўқир, шулардан бири ҳамон эсимда. Мақола Қашқадарёнинг олис қишлоқларидан бирида сафарда бўлган машҳур навоийшунос Е.Э.Бертельс ҳақида эди. Унга эски бир қўлёзмани кўрсатишганда, таниша туриб ранг-рўйи ўзгаргани, тўсатдан тиз чўкиб, “Шу қўлёзмани менга беринг, илтимос!” дея ялингани, сўнг сал ўзига келгач, “Биласизми, бу ҳазрат Навоий тириклигида кўчирилган, ул зотнинг назари тушган қўлёзма”, дея изоҳ бергани ҳақида ёзилган эди. Мен кейинчалик, воқеани сўзлаб берган одам ҳақида сўраганимда, “сўнг бу чолни қайта кўрмадим”, деб айтган эди Мурод ака.

Мурод ака кейинчалик ўзининг ташаббуси билан дунёга келган “Сирли олам” журнали ва унга илова тариқасида нашр этилган “Қалб кўзи” газетасида фаолият олиб борди. Фаолият олиб борди эмас, ушбу нашрларнинг етакчиси, кашшофи, ҚАЛБИ бўлди. У киши табиатига кўра биринчиликка интилмас, шу боис бу нашрларга бошқа кишилар муҳаррирлик қиларди.

Кейинчалик Мурод ака лойиҳаси асосида “Сирли табобат” журнали чиқа бошлади. Унда аканинг содиқ шогирди, яхши-ёмон кунларида устоздан ҳамиша хабар олиб турувчи инсон Рустам Сафо бош муҳаррир, Мурод ака “лойиҳа муаллифи” сифатида қайд этиларди. Шу ерда бир гапни айтмоқ лозим. Бизда янги даврда ғайб олами, кўзга кўринмас сирли ҳодисалар ҳақидаги соҳа, эзотерикага асос солган одам, шубҳасиз, Мурод Хидирдир. Бу соҳани тилимизга “ғайбшунослик” ёки “ботиншунослик” деб ўгириш мумкин. Агар ушбу нашрларда чоп этилган мақолаларни тўплаб, бир ёки бир неча том китоб қилинса, Мурод Хидирнинг бу соҳадаги хизмати яққол қиёфага эга бўларди.

Мурод ака билан бир неча йил бирга ишлаган таниқли шоир ва фольклоршунос олим Муҳаммадали Қўшмоқов “Уч беҳбуд” номли шеър ёзиб Мурод Хидир, Маҳмуд Саъдий ва Маҳкам Маҳмуднинг ўзбек маънавий ҳаётидаги хос ўрнини гўзал ифодалаган эди. Уч беҳбуддан бири Маҳмуд Саъдий ўз дўсти фаолиятини ҳазил ва киноя аралаш “Муродхидиризм” деб атар эдики, бу Мурод аканинг эзотеризм соҳасидаги хизматига муносиб баҳодир.

Мурод Хидир таниқли болалар адиби эди. Унинг қатор ҳикоялари ва “Ҳарфлар ўйини” китоби машҳур. Бу асар она тилимизнинг луғат бойлигини кўз-кўз қилишда алоҳида аҳамиятга эга. Ҳикматнавислик Мурод ака ижодининг яна бир етакчи соҳасидир. Ҳозирча нашр этилган “Тафаккур туғёнлари” китоби адиб қанчалик теран фикрлаши ва санъат даражасига кўтарилган афоризмларнинг гўзал намунасидир. Ҳикмат санъати – Мурод Хидир афоризмлари учун хос ва мос иборадир.

Мурод ака сўнгги йилларда турли касалликлардан азоб чекди. Лекин ҳеч қачон фикрлашдан, ижод қилишдан тўхтамади. У кишидаги қомусий билим, чуқур тафаккур ва воқеликка, оламга ирфоний нигоҳ ҳар қандай суҳбатдошни ром қилар, бир суҳбатлашган одам яна бир суҳбатга орзуманд бўларди.

Мен сўзимни дастлаб Мурод акани дўсти ва ҳамюрти Абдулла Ориповнинг “Менинг ер устида танишларим кам, Менинг ер остида дўстларим кўпроқ” мисраларига мос “Ер остига кўчган дўст” деб номламоқчи эдим. Сўнг ўйлаб қарасам, бу ўлимнинг зоҳирий томони экан. Яссавий ҳазратлари “Аслинг билсанг оби гил” деганларидек, тана тупроққа қоришганида, руҳ эса абадий бўлиб, асл Эгаси томон йўл олади. Руҳоният оламида Мурод Хидирнинг йўли порлоқ бўлади, иншаоллоҳ!

Сувон МЕЛИ

Муҳиддин ОМОН

БЕҒУБОР ЁШЛИК ҲИСЛАРИ



ЯНГИ КУН ЭПКИНЛАРИ

Яшил либос кийди ёбон, дала, қир,
Навраста бойчечак саломга келди.
Музлик салтанатин фатҳ этиб бир-бир,
Кеча ҳам, кундуз ҳам маромга келди...

Энди офтобнинг ҳам чиройи ўзга,
Ўзгадир “ҳур-ҳур”лаб эсган саболар,
Хушбўй ялпизларни суришиб кўзга,
Дуога қўл очар бобо-момолар.

Далада жоннисор Деҳқонбобонинг
Қадаган уруғи элга кут бўлгай,
Энди юлдузлари чақноқ самонинг
Тийра ялдолари ҳам унут бўлгай...

Энди қалдирғочдек туйғулар ракси,
Қалблар камалакдан киймиш беқасам,
Ашъорлар сатрида муҳаббат васфи,
Нигоҳлар қароғи висолдан хуррам.

Чунки кўклам кирди, бош кўтармоқ шон,
Қаҳратон тиз чўкди, ҳукмидан тонди,
Орзулардек чексиз замину осмон,
Олам баҳор деган бахтга чулғонди...

МАЪРИФАТ ШАЪМИ

Инсоф боис улуғдир инсон,
Маърифатдан юзларда зиё.
Вужуд ичра порласа иймон,
Таслим бўлур осийлик – риё.
Кимки бўлса соҳиб тафаккур
Иллатлардан фориғ муқаррар.
Икки олам ичра у манзур,
Қадрин топар мисоли гавҳар.

Шул сабабдан маърифат шаъми
Боқийликка чорлагай мудом.
Қай дилдаки эзгулик ғами —
Мушаррафдир унга эҳтиром...

ҚЎМСАШ

(Элегия)

Отам пода боққан ўша ёбонда
Бир кеча юлдузлар суҳбатин олсам.
Оққуврайлар тўшаб, эски чопонда,
Ёнбошла-а-аб, оламга мен қулоқ солсам...
Ғўбдинтовдан эсган сарин еллардан
Шувоқ,бурганларнинг ислари келса,
Болалигим кечган ҳу-ув манзиллардан
Беғубор ёшликнинг ҳислари келса...
Атрофимда сакраб эчки-улоқлар,
Эргаштириб кетса қиру адирга,
Гиламга айланса яна ўтлоқлар,
Ўтмишим эврилса яна ҳозирга...
Отам сибизғада “Чўли ироқ”ни
Симиллатиб чалса – сел бўлиб оқсам,
Кейин ўттиз йиллик соғинч-фироқни
Чўпон қумғонининг остида ёқсам...

Салом, қирлар! – десам ота маконим –
Дашту далаларда кулса ҳар майса,
Жисмимдан қуш бўлиб учса-ю жоним,
Булутларни ёрган кундай жилмайса...
Тонгда уйга борсам...суюк, мўътабар,
Болалик гўшамнинг ҳидига тўйсам,
Онам бўтакўздан тўқиб гулчамбар,
Бошимга тож қилиб кийдириб қўйса...
Айвоннинг вассажуфт қадим шифтида
Полапонга тўла қалдирғоч ини,
Унутиб бўларми мудом кифтида
Сени бир қушчадек улғайтган уйни...
О, менинг орзуси осмон ёшлигим,
Йиллар, йўллар сабаб кетдинг йироқлаб...
Қалбда эса, ҳануз шўх бебошлигим,
Болалик чеҳраси турар чарақлаб...

Кошкийди, мен яна ўша ёбонда
Гулу чечакларнинг суҳбатин олсам...
Отам бир ёнимда, онам бир ёнда,
Бир лаҳза, бир лаҳза бола бўп қолсам...

СОҒИНЧ

Кузакда қуёшнинг нури ҳам ожиз,
Парқу булутларнинг туси замҳарир.
Тош шаҳарда ўзим сезяпман ёлғиз,
Соғиниб кетяпман сени негадир...

Боғ ичра ошиқлар қувнаб юрибди,
(Шод бўлсанг об-ҳаво қилмайди таъсир...)
Менинг юрагим-чи, титраб турибди,
Соғиниб кетяпман сени негадир...

Ҳув ана, осмонда бир жуфт кабутар,
Ҳавасга чарх урар, бахтидан масрур,
Эй, Рошидон гули, сочи муаттар,
Соғиниб кетяпман сени негадир...

Эсла, неча баҳор, неча куз ўтди,
Кўнгилдан не изҳор, неча сўз ўтди,
Айт, юрак шу ишқни қандай унутди,
Соғиниб кетяпман сени негадир...

Мен ҳануз билганинг – Мажнун, девона
Васлинг зиёсига илҳақ мунтазир.
Қачон рухсат берар онанг – Фарғона,
Мен сени жон қадар соғиндим ахир...

Сен томон талпинсам, ўзимдан олдин,
Хаёлим, умидим учмоққа ҳозир.
Етиб келолсанг бас ўлимдан олдин,
Мен сени, мен сени соғиндим, ахир...

СУРАТИНГ КЎРИБ...

Гул қучоқлаб суратга тушдинг,
Гул юзингда инжа табассум...
Гул сеними, сен гулни қучдинг,
Ўйлаб қолдим, тикилиб бир зум...

Бағрингдаги шу сўлим гуллар,
Тақдиридан рози, беармон.
Бахтли санар ўзини улар
Бўлганидан сенга армуғон...

Мен – ғариб-чи, сурганча хаёл,
Шу гулларга қиламан ҳавас...
Бир гул бўлсам, мен ҳам эҳтимол,
Қучар эдим Сени бир нафас...

ШАҲРИБОНУ



ОНАМ

Йўлидан адашиб кетмас шамоллар,
Зулматлардан кейин тонглар оқарар.
Нигоҳинг излайман кўкдан ҳамон ман,
Эртадан кечгача қушлар йўл қарар.
Тунлари нур бўлиб келасанми, айт,
Кўнглим оғрир она, биласанми, айт?

Йилларнинг бағрини ёрар нолалар,
Узоқлашмас дардлар – чиппа ёпишган.
Нима қолди менга ёдгор онамдан?
Қуёшин излар ой – ҳечам топишмас.
Ёмғирлар ёғсинми, тиласамми, айт,
Менга оғир она, биласанми, айт?

Ўтмиш этагимдан тутган – кетмайди,
Етказарми мужда баргдаги шабнам.
Тўлиб ёрилолмам – нафас етмайди,
Нима қилсам бўлар – билолмам она.
Толнинг сочларини силасамми, айт,
Юрагим ҳапқирар, биласанми, айт?

Келади, кетади авваллар, сўнглар,
Ўнгидан келмади – тушларим тонди.
Ойнадан боқаман илинж тўр илар,
Оловдан ранг олдим – зўр бериб ёндим.
Денгиз оғушингми – қуласамми айт,
Дийдор они қачон – биласанми, айт?

* * *

Ким кимни танлади... нафрат билан ишқ,
Кимга муҳтожлигим билинди яққол?
Оловга ўт пуркаш, оташда сузиш,
Икки олам аро саргардон шамол,
Юракка чўкади оғриқли хаёл.

Ким кимни танлади...мен ва яна мен,
Соҳилин йўқотган излар кетидан
Кетавердим титраб, ўтда ёниб мен,

СОКИН ОЙ СУРАТИ

Совуқ вужудингдан вулқон отилар,
Кўнглимга ёғади қорлар кутилган.

Ким кимни танлади...тириклик, ўлим?
Очиқ кўзларимдан юлдуз учади.
Осмон ва кўк аро шериклик қадим,
Танлаш менда бўлса тунни кучардим,
Телбавор учардим, жунун учардим.

Ким кимни танлади... ихтиёр кимда?
Кўзларим излайди – нигоҳинг ўйчан.
Арғимчоқ учаман кечиб ўзимдан,
Майдавор туйғулар, туйғулар бўйчан
Сокин ой сурати юракка кўчар.

Ким кимни танлади...қонга бурканди
Жонидан айрилди, аслидан кечди?
Шамолларга эрка, тоғлар улкандир,
Малҳам дея оғунг тан олиб ичдим,
Оғушинг оч менга муҳаббат – очун.

* * *

Ялтироқлар кўзим олиб қочади,
Хаёлларим тўзғир жаранг-журунглар.
Шиша кўзлар тинмай ёниб-ўчади,
Тунда бошланади дилкаш гурунглар.

Васл излаб келар тўлқинлар тотли,
Фалак узра тилла нурлар сочилар.
Кўзи очиқ мудрар, ёпиб қанотин,
Қояларга уя қурган лочинлар.

Япроқларни силар майин эпкинлар,
Хиром қилар терак – жилвагар раққос.
Денгизлар ортига ой ҳам беркинар,
Тоғлар сукут сақлар улуғларга хос.

Ерга жон бағишлар ёмғир нафаси,
Сирли шивирларни илғаб қоламан.
Сезяпман – очилиб борар қафасим,
Мен бу тун ҳайратман, нурман, жоламан.

МАНГУ ЛАҲЗА

Ўлтираман қучоқлаб тиззам,
Ёмғир билан тўйинар жоним...
Бу ўшаму мангулик оним,
Миллар аро тўхтаган лаҳза?

Худди чақмоқ – кўз қамашади,
Киприк қоқмай тикилган нигоҳ.
Худди тўлқин соҳилдан йироқ,
Мен узоқда, мен томошабин.
Кетар кема бахтларни ортиб,
Ул томонда қишу ёз ёмғир.
Сўл қирғоқнинг нариги ёғи
Шовуллаган дарахтлар юрти.

Шамол билан кезинган ислар,
Маъюс нигоҳ боққан ойина.
Бу ўшаму мангу сония
Миллар аро тўхтаган лаҳза?

* * *

Яна ўша кундан бошланади вақт,
Яна соҳилимда ёлғизоёқ из.
Яна беркинмачоқ ўйнар мен-ла бахт,
Булоқларда оқар армонлар сизиб.

Юрак бир бурчидан қонай бошлайди,
Тутаб-тутаб ёнди охирги илинж.
Сонияси дардли онлар бошланди,
Жангдан кейингидек ҳамма томон тинч.

Кўмилдим ўзимга, кўзимни юмдим,
Оғир ботган куннинг қоронғусида.
Яна тиканзорлар бағримда унди,
Қилт этмайди осмон, денгиз осуда.

Юлдузларни қўйдим йўлингга жамлаб,
Нафасинг туяман ҳарир туманда.
Сенинг нигоҳларинг тубсиз уммонлар,
Такрорланар бари яна ва яна...

Яна ўша кундан бошланади вақт...

ЁЛҒИЗЛИК

Эшик қоқиб келмайди ҳеч ким,
Дарвозалар ланг очиқ – туйқус
Кўз очаман – келади уйқум,
Сояларда ҳилпийди аксим.

Ой осмонда танҳо ярақлар,
Оппоқ қушга айланган аёл.
Қанотлари бойланган хаёл,
Ғам қучоқлаб ухлар дарахтлар.

Муштларимга сиққулик дунё,
Сарҳадларни ютган бўронлар,
Хотирасин йўқотган онлар,
Осмонлардан йиқилдим гўё.

Мудроқ қалбга биргина таскин,
Қақроқ лабга сув бер ҳовучлаб.
Ёнар юрак...муздек оғушинг,
Эшик қоқиб келмайди ҳеч ким...

Қўчқор НОРҚОБИЛ



Ҳикоя

АТИРГУЛ ТАБАССУМИ

Эру хотин ижодкор бўлса...

Яхши жиҳати – бир-бирини тушунишади. Ёмони ҳам шу – бир-бирини тушунадилар. Албатта, улар битта уйда яшашади.

Бироқ, ҳар қайсининг хаёлида ўз адабий қўрғони бўлади; бир-бирини киритмасликлари ҳам мумкин.

Кейинги пайтлар адибнинг омади чопди. Рус ва инглиз тилига ўгирилган асарларини аёлининг маслаҳати билан ҳорижий давлатлар нашриётларига жўнатиб кўрди; биратўла учта китобига харидор бўлишди.

Адиб хурсанд. Адиба шод. Иккита драмаси қардош ўлкалар театри саҳнасига чиқди.

Адиб шод. Адиба хурсанд.

Кейин... Кейин аллақаердан Қудрат Имкон деган муҳибу мухлис пайдо бўлдида, адиб ижодининг ашаддий тарғиботчисига айланди.

Адиб ҳайрон. Адиба жилмаяди:

– У сизни мендан тортиб олди. Тинимсиз бонг уряпти, сизни мақтаяпти.

Чиндан шундай; интернетда ҳам адиб ижоди ҳақида кетма-кет мақолалар эълон қилди;

Қудрат Имкон... Қудрат Имкон... Ким у?

Ихчам, аниқ-тиниқ бу чиқишларнинг изи узилмади. Ҳатто чет эллар адабий сайтларида ҳам Қудрат Имкон имзоси қанот қоқди – адиб китобларидан келтирилган иқтибослар парвоз қила бошлади. Русиянинг яна бир машҳур нашри Қудрат Имкон сўзбошиси билан адиб ҳикояларини чоп этди.

Адиб хонасида эди. Қўлтелефони жиринглади.

– Табриклайман. Ижодинг ҳақида таҳририятга зўр мақола келиб тушди, навбатдаги сонимизга жойладик. Яхши таҳлил. Темирни жизғанак этар даражада ёзибди.

Халқаро бадиий журналда ишлайдиган шоир дўстининг “суюнчи”сидан кўнгли чароғон тортди.

Ёзув столида жимирлаб турган компьютер қошига келиб ўтирди. Чала қолган ҳикояси давомини ёзишга киришди. Жумлалар шамолдай шиддатли тус олиб, сўзлар ёмғирдай тўкилиб турган авжи-зарб пайти уриб қолиш керак. Шунда ўқувчи ҳам бир нафасда ўқийди.

У ҳикоя қаърига сингиб кетди. Асар ўзи ҳам кутмаган, хаёлига келмаган ечим билан якун топди. У баъзида ҳикоянинг ҳам ўз руҳи бўлиши, ёзувчини шу руҳ гоҳида эргаштириб кетишини ич-ичидан ҳис қилган. Бу гал ҳам шундай бўлди – ҳикоя “бошқа йўлдан юрди”. Ниҳояси эса гўзал!

Кайфияти ёруғ ҳолда дераза рахига суянди.

Осмон тунд. Кўз ёрай деб турибди. Қилт этган япроқ сукунати титратиб, булутларни тўзғитадигандай... Кеч кузак ҳавосидан ёмғир ҳиди келади. Туйқус шамол турди. Қунишган кузги боғ ёмғир ҳамласи ичра қолди. Хазонлар ер сўққандай бўлди. Бу манзарани кузатган адиб: “Табиатнинг ўзи буюк ижодкор, улуғ мусаввир... Бизлар ундан кўчирамиз...”, деган хаёлга борди.

Кечқурун хотини ишдан келди.

– Таътил пайти жуда яхши ижод қилаяпсиз, – деди у жилмайиб. – Ҳавасим келаяпти. Айтмоқчи, сизнинг асарингиз ҳақида яна ўша Қудрат Имкон деганлари зўр мақола эълон қилаяптийкин. Газетада ишлайдиган дугонам қўнғироқ қилди.

– Ҳа-я. Чиқса ўқиймиз-да... – негадир хижолат тортди.

– Электрон почтамга Лондондан хат келди, – давом этди аёли. – Адабий танловда иштирок этиш учун бошқа ёзувчини танлашибди. Ҳар бир мамлакатдан бир нафар шоир ё ёзувчи қатнашиши лозим экан. Танлов ҳайъати унинг асарларига тўхталди, дейишибди. Мен қолдим. Умид қилиб турувдим-а...

– Ким экан у ёзувчи?

– Билмадим...

Эртасига адиб Лондондан хат олди. Халқаро адабий танловда иштирок этадиган бўлибди. У довдираб қолди; ахир, ҳеч қанақа Лондон ё ундан нарисига асарларини юбормаган эди.

– Яхши бўпти, табриклайман, – деди хотини яна жилмайиб.

Адиб хотини қаршисида мулзам тортди. Хижолат чекди. Худди уни алдагандай, топтагандай ҳис қилди ўзини.

– Ахир, мен ҳеч қандай танлов-панловга асар юбормаганман. Сенинг ҳам ўша танловда қатнашганингдан бехабар эдим. Кеча ўзинг айтдинг, билдим.

– Э-э-эй, қўяверинг. Қайтамга яхши-ку. Сизнинг ютуғингиздан хурсанд бўламан. Худо хоҳласа, ғолиб бўласиз. Мен суриштирдим. Асарингизни ўша Қудрат Имкон деган шахсий мунаққиду мирзонгиз жўнатган экан.

Адибга хотинининг кейинги гапи оғир botди. У энди Қудрат Имконни ёмон кўриб қолди. Унинг “изидан” тушди; кошки тополса. Астойдил қидирди. Ижтимоий тармоқлардаги бошқа электрон чиқишларида ҳам ўзи ҳақда бирор маълумот қолдирмаган.

Фейсбук тармоғида бор экан, бироқ ҳеч қандай билдирги йўқ. Расми ўрнида бир қучоқ оқ атиргул турибди. Ҳа, бир қучоқ оқ атиргул! На кимлиги, на туғилган йили-ю шаҳри, на манзил-макони-ю ёши, на касби-кори ҳақида ёзилмаган. Фақат ўша: бир қучоқ оқ атиргул суврати ўрнида порлаб турибди.



Телеграм каналида ҳам шу. Расми жойида ўша бир қучоқ оқ атиргул! На телефон рақами бор...

Қўлтелефонининг телеграм канали орқали Қудрат Имконга охири хат ёзди. Ўз ижодига нисбатан эътибор ва эътироф учун ташаккур билдириб, танишмоқчи эканлиги, кимлигини билишга жудаям қизиқаётганини, ундан миннатдорлигини изҳор этди. Қаёқда, жавоб йўқ. Қудрат Имкон жим. Кунлар ўтаверди, интернет тармоқларида адиб улуғланган қисқа таҳлиллар, унинг ютуқлари ҳақидаги хабарлар Қудрат Имкон томонидан мунтазам эълон қилинаверади. Бу дўсту дастёрларнинг беминнат хизматлари адибга эриш туюлар, айниқса, фейсбук тармоғининг, “Бир қучоқ оқ атиргул” акс этган майдон – Қудрат Имконга тегишли профилда кўзи тушиши ҳамоно қалбини негадир хижолат ҳисси эгалларди.

Бир куни сербиялик таниш ноширдан хат олди. Адибнинг Россияда чоп этилган яна бир китобини русчадан серб тилига таржима қилаяптийкан. “Мен интернет тармоқларини кузатиб бораяпман. Сизнинг ижодингизни кенг миқёсда тарғиб қилишмоқда. Яқинда “Рус қўнғироғи” нашрида ижодингиз ҳақида яхши мақола эълон қилинибди. Китобга шуни сўзбоши қилсак, нима дейсиз? Муаллифдан розилик олиб беринг. Асарингизни чиндан ҳам Қудрат Имкон мукаммал ўрганган. Яхши ҳис қилади. Унга менинг номимдан салом айтинг. Сиз бахтли адибсиз, шундай тарғибчиларингиз бор.

Хайр, омон бўлинг. Ҳурмат билан, Л.И...”

Адиб “Рус қўнғироғи” газетасида чоп этилган мақоладан бехабар эди. Қудрат Имконнинг бу галги марҳаматидан дилида ёқимли бир хижиллик туйди.

Йил барибир омад ва зафарлар оғушида ўтаётганди. Қудрат Имконнинг беминнат адабий хизматлари бесамар кетмаганди. Халқаро адабий майдонда бўй кўрсатиш учун асар яхши бўлиши билан бирга, унинг тарғиботи ҳам жуда юксак даражага етиши шарт, деган тамойил замирида айни ҳақиқат мавжудлигини адиб ҳис қилди.

Сурункали ижодий иш, ёзиб чизиш барибир инсонни толиқтириб қўяди. Кузнинг сўнгги кунларида тоби қочди. Адиб бироз даволаниш ва куч тўплаш учун шифохонага ётди.

Тушлик маҳалидан сўнг хотини яна кўргани келди.

– Эрталаб ҳам келиб кетгандинг-ку. Сени ҳам роса ташвишга қўйдим, – деди меҳри товланиб. – Болаларга ҳам айт, овора бўлманглар. Ҳамма нарса етарли. Мен фақат дам олаяпман.

– Биз сизни соғиниб қолаяпмиз, – жилмайди хотини. – Кечқурун неварангиз ҳам келмоқчи.

Адиб каравоти ёнидаги курсига келиб чўккан кўйи қўлидаги елим халтадаги мевачеваларни тумба устига тахлаётган меҳрибон ва мунис аёлга завқ билан термилди. Жонтомирлари шу хилқат қалбига боғлангани, ёзиғига шундай муштипар жуфти ҳалол битилганидан Яратганга шукрона айтди. Айни дам қаршисидаги оила чироғи, суянган тоғи, оқила ва ожиза зот, улкан адиблик рутбалари уйғунлашган гўзал аёл қошида туйқус хижолат торта бошлади ва негадир ўз елкасида қайтариб бўлмас қарз юкини ҳис қилди. Хаёлига келган гапни тилга кўчирди:

– Насибам, ўзимнинг адибам! Сен жуда ҳам кучлисан, мен шундай ўйлайман...

Аёл жилмайди. Ўрнидан туриб хайр-хўшлашди. Хона эшигига етказ, нимадир ёдига тушди чоғи, тўхтаб эрига юзланди:

– Адабиёт институтидан қўнғироқ қилишди. Телефонингиз ўчиқ экан. Мен шифохоналар дедим. Ҳалиги, ижодингиз ҳақида илмий иш қилаётган тадқиқотчи қиз Қудрат Имконнинг мақолаларидан ҳам фойдаланмоқчи экан. Уни тополмабди. Энди сиз билан учрашмоқчи... Мен телефон рақамингизни бердим.

Адиб кўзларини юмиб бош ирғади. Анчагача хаёл оғушида ётди. У Қудрат Имкон билан кўришиш истаги анчадан бери ўзининг ҳам қалбида аланга олаётганини, бу хоҳиш тобора оғриққа айланаётганини хотини ҳам ҳис қилишини биларди. Шунинг учун Қудрат Имкон ҳақида гап кетса аёли олдида кўнгли хижил бўлар, ўзини қўярга жой тополмасди.

Хотини чиқиб кетгач, қўлтелефонини ёқди-да, Қудрат Имконнинг телеграмдаги манзилига кирди ва унга ёза бошлади.

“Мен шифохонадаман. Сиз билан кўришишим шарт”.

Ё қудратингдан! Жавоб келди. Ҳа, ундан жавоб келди.

“Хабарим бор”, деб ёзди у.

Адиб шошиб қолди. Ўрнидан шаҳд билан туриб кетди. Ҳаяжон ва энтикиш зўридан вужудга титроқ кирди.

“Менга қилган барча яхшиликларингиз учун ташаккур”, дея шошиб ёзди у.

“Ҳечқиси йўқ!”

Энди адибнинг ғазаби тоша бошлади.

“Бироқ кўп ҳолларда эркакнинг ишини қилмадингиз”, деб ёзди.

“Ўзим билмаган ҳолда хотинимнинг йўлига тўғаноқ бўлиб қолдим. Бу сиз туфайли... Ҳа, сиз туфайли. Унинг кўнгли чўкди, лекин менга сездирмади...”

“Тушунарли. Майли, эртага сизнинг ёнингизга, шифохонага ўтаман. Гаплашиб оламиз...”

Тунда ухлай олмади.

...Эртасига нонуштадан сўнг кўзи илинди. Ҳушими, тушими, англай олмайди; улкан дарё бўйида турибди. Дарё сатҳи оппоқ атиргулга лиқ тўла. Сув ўрнида оппоқ атиргуллар оқаяпти. Бирпасдан сўнг осмондан ҳам оппоқ атиргуллар ёға бошлади. Нариги қирғоқда нимадир тарақлаган овоз берди, аёли Насибанинг жилмайиб туришини кўрди. Яна нимадир тарақлади. Уйғониб кетди.

Фаррош хонани йиғиштираётган экан. Ҳозиргина кўрган ғаройиб туш таъсирида деразага юзланди, осмонга тикилди. Бир уюм оппоқ булут сузиб юрибди, худди бир қучоқ оппоқ атиргулга ҳам ўхшаб кетади. Шу маҳал адибнинг қўлтелефони чингиллаб овоз берди – хабар келди. У телефон экранига қаради. Кўзи тиниб кетди, ҳаяжонланди. Қудрат Имкон хабар юборди:

“Мен келдим. Эшигингиз олдида турибман...”

Адиб ўрнидан шаҳд билан туриб, хона эшигига ўгирилди. Остонада... Остонада эса эшикка суянган кўйи бир қучоқ оппоқ атиргул кўтарган аёли жилмайиб турарди.

НАФИС ЛИРИЗМ ВА ТЕРАН РЕАЛИЗМ

Замонавий ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси Хайриддин Султон 1956 йил 19 январда Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Тузел қишлоғида туғилган. Паркентдаги 42-мактабни битирганидан сўнг Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетига ўқишга киради ва уни 1978 йилда тугатади.

Меҳнат фаолиятини ҳали талабалик йилларидаёқ бошлаган ёзувчи “Гулистон” (1974-80) ва “Ёшлик” (1982-85) журналлари таҳририятида адабий ходим бўлиб ишлайди. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, бош муҳаррир ўринбосари (1980-82) ва бош муҳаррир (1985-93) вазифаларида фаолият олиб боради. 1993 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида масъул лавозимда ишлаб келади.

Хайриддин Султон ёшлик давридан бадиий ижод билан жиддий шуғулланади. Дастлаб матбуотда ҳикоялари билан кўринган ёзувчининг “Қуёш барчага баробар” деб номланган илк китоби 1980 йилда нашр этилади. Адабий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинган мазкур китобдаги ҳикоялар адабиётга истеъдодли бир адиб кириб келаётганидан дарак беради.

Шундан сўнг муаллифнинг “Бир оқшом эртаги” (1983), “Онамнинг юрти” (1987), “Умр эса ўтмоқда” (1988) каби китоблари ўқувчилар эътиборига ҳавола этилади.

Хайриддин Султон ижодида қилич ва қалам баҳодири, буюк шоир ва ҳукмдор, бобурийлар сулоласининг асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. “Бобурнинг тушлари” (1992) ҳикояси, “Бобурийнома” (1997, 2019) романи ва “Саодат соҳили” (2005) қиссасида Бобурнинг ёрқин образи яратилган.

Бу асарлар орасида “Бобурийнома” романи алоҳида бадиий қимматга эга. Қардош ўзбек адабиётида мутлақо янги ҳодиса каби пайдо бўлган бу асарни муаллифнинг ўзи “маърифий роман” деб атайди.

Хайриддин Султон беназир санъаткор, буюк ёзувчи, ўзбек адабиётида роман жанрига асос солган Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳам бир неча асарлар, жумладан, “Мозийдан бир саҳифа” деб номланган видеофильм сценарийсини ёзган.

“Тўқчилик ва йўқчилик” (2002), “Триста шестьдесять четыре дня” (2013), “Уч юз олтмиш тўрт кун” (2019), “Кўнгил озодадур” (2019), “Ҳақиқат жамоли” (2019), “Онамнинг юрти” (турк тилида, 2022) китоблари Хайриддин Султонга том маънода шуҳрат келтирди.

Адиб сценарийлари бўйича бир неча бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинган. Бу ўринда “Чангак”, “Меҳробдан чаён”, “Тушларимда кўриб йиғлайман”, “Ёлғиз ёдгорим” каби фильмларни қайд этиш жоиз. Унинг қаламига мансуб “Сарҳовузнинг бўйларида” (1992) драмаси Самарқанд вилояти драма театрида саҳнага қўйилган. Ёзувчи, шунингдек, тарихий мавзудаги ўткир сюжетга эга “Улуғ амир ва донна Мария” (2008) бадиий фильмининг ҳам сценарий муаллифидир.

Асарлари бир неча хорижий тилларга таржима қилинган Хайриддин Султоннинг ўзи ҳам моҳир таржимон ҳисобланади. Унинг таржимасида дунё адабиётининг қатор сара намуналари ўзбек ўқувчиларига етиб борган. Бунга мисол тариқасида Сент-Экзюпери, Дина Буццати, Юрий Нагибин, Валентин Распутин, Василий Шукшин ва бошқа машҳур адибларнинг қисса ва ҳикояларини кўрсатиш мумкин.

Ёзувчининг сўнгги йилларда нашр этилган “Одамлардан тинглаб ҳикоя” (2020) ва “Навоий–30” (2022) китоблари адабиёт муҳибларининг алоҳида эътибори ва меҳрини қозонди. Биринчи китобдан адибнинг ўттиз битта ҳикояси ўрин олган ва уларнинг барчаси турли ёшдаги ва касб-кордаги кишилар тилидан баён қилинган.

Биз Хайриддин Султоннинг “Миллатчининг жазоси” деб номланган, ўнта ҳикоядан иборат озарбайжонча китобини нашрга тайёрлаш жараёнида юқорида зикр этилган тўпламдан имкон қадар ҳажман кичик ҳикояларни танлаб олишга ҳаракат қилдик. Ҳолбуки, китобнинг асл нусхасидаги асарларнинг барчаси бири-биридан гўзал ва мароқлидир.

Мисол учун, “Ички ишлар вазирининг ошга боргани”, “Қишлоқ хўжалик вазирининг таъзияга боргани”, “Мудофаа вазирининг жанозада имомлик қилгани”, “Бир долларлик ҳикоя”, “Байрут хотираси”, “Одам бўлган одам” ва бошқа ҳикоялар бадиий жиҳатдан мукаммалдир.

Ўйлаймизки, бу асарлар ҳам вақти-соати келганда озарбайжон ўқувчиларига уларнинг она тилида тақдим этилади.

“Навоий–30” китобининг адабий фазилатлари янада юксак бўлиб, у янги замоннинг бадиий-ҳужжатли асарларига ёрқин мисол бўла олади. Ушбу асарида ёзувчи сўнгги эллик йил давомида ўзи кўрган, таниган-билган адабиёт ва маданият ходимлари, ўзи гувоҳ бўлган бетакрор воқеа-ҳодисалар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади.

Ўзбекистон пойтахти – Тошкентнинг марказидаги Навоий кўчасида 30-рақамли машҳур бино бор. Унда бир вақтлар мамлакат Маданият вазирлиги, Кинематография давлат қўмитаси, Нашриёт, полиграфия ва матбуот ишлари давлат қўмитаси, ТАССнинг Ўзбекистон бўлинмаси – ЎзТАГ, Журналистлар уюшмаси, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, турли нашриётлар, газета ва журналлар таҳририятлари, бир қатор муҳим мафкура идоралари, муаллиф таърифи билан айтганда, “жуда кўп керакли ва кераксиз ташкилот ҳамда муассасалар” жойлашган эди. Табиийки, уларда Ўзбекистоннинг таниқли зиёлилари хизмат қиларди.

Хайриддин Султон китобга киритилган 145та хотира-ҳикояларда ана шу инсонлар ҳаётидан олинган, энг ёдда қолган таъсирчан воқеаларни, такрорланмас тақдир ва характерларни, уларнинг маънодор сўз ва ибораларини ўқувчилар эътиборига тақдим этган. Булар ўзбек миллатига хос теран ҳикматлар, нозик лутф ва ривоятлар, десак, адашмаган бўламиз. Бу ҳикоялар миллий адабиётга қизиқиш уйғотиш билан бирга, табиийки, сўз санъати ривожига ҳам хизмат қилади. Шу маънода, ушбу китоб бизнинг “Озарбайжон ёзувчилари ҳаётидан ҳикоялар”га ўхшаб кетади...

Хайриддин Султон ижодига хос бўлган адабий хусусиятларга қандай мухтасар таъриф бериш мумкин? Энг аввало, ёзувчи асарларида нафис лиризм, теран реализм ва драматизм яққол намоён бўлиб туради. Унинг барча ҳикоялари мавзуси реал ҳаётдан олинган. Аксарият асарларининг қаҳрамонлари биз ҳар куни кўриб-билиб турган оддий инсонлардир. Ҳикояларнинг сюжет линияси, тасвир услуби оригинал, гоҳо ҳазин, лирик ва зарифдир. Фабула юксак пардаларда инкишоф этилади, лекин ўқувчи ҳодисалар қаерда кечганини, нималар бўлганини билмайди. Ҳикоя бир қарашда новеллага ўхшаб кетади, кейин муаллифнинг изоҳи бошланади, воқеа ҳақида фикр ва муҳокама берилади, охирида ибратомуз хулоса чиқарилади.

Масалан, “Омад” ҳикоясида ёш қишлоқ йигити иш қидиргани ва юмуш топилгани, унинг қабристонга гўрков бўлиб хизматга киргани тасвирланади. Ўша йигит бир йилдан сўнг ўзига иш топиб берган одамнинг олдига келиб, бошқа хизмат топиб беришини илтимос қилади. Бу иш ёқмадими, деган саволга йигит, ёқди, ҳаммаси жойида, лекин шу бир йил ичида қишлоғимизда ҳеч ким ўлмади-да, дейди ва гўё бунинг учун ўзи айбдордай бош эгиб, хижолат чекади.

“Отабекнинг жанозаси” ҳикояси Абдулла Қодирийнинг машҳур романи қаҳрамони Отабек ролини кинода моҳирона ижро этган актёрнинг дафн маросими ҳақида. Бу ерда икки майитнинг сўнгги манзилга кузатилиши таққосланади, ҳатто гўристонда ҳам амалнинг кучи катта экани, элнинг ардоқли санъаткорининг дафн маросими ниҳоятда ғариб ҳолда ўтгани ачиниш ила баён қилинади. Муаллифнинг: “Миллатимиз халқ бўлиб ўзлигини намоён этаётган саодатли онлар эди бу”, деган сўзларида аччиқ киноя, афсус-надомат акс этиб тургандай туюлади.

“Валижон касал бўлди” ҳикоясида ёш бир қизнинг тоғасини даволатиш учун зўр бериб қилган ҳаракатлари, беморнинг Тошкентдаги нуфузли шифо марказига олиб келиниши, у ердаги ажойиб ҳангомалар, ранг-баранг инсоний муносабатлар маҳорат билан ифода қилинади.

“Миллатчининг жазоси” ҳикоясида паспортида нотўғри қайд этилган исмини (“Жамолиддин” ўрнига “Жамолитдин” ёзилган) тўғрилаб ёздириб олишга уринган бир зиёлининг бошидан кечирган саргузаштлари ҳазин бир табассум билан тасвирланади. Зиёли паспортидаги хатони тузаттириб олади-ю, лекин ҳаётида янги, кутилмаган муаммолар бошланади...

Хайриддин Султоннинг энг гўзал ҳикояларидан бири, бу шубҳасиз, “Онамнинг юрти” асаридир. Инсон ўз туғилган қадрдон гўшасидан айро тушса, уни ҳеч вақт унута олмайди, орадан йиллар ўтса-да, Ватан соғинчи кучайиб бораверади. Кекса она олтмиш олти йилдан сўнг асл юртини топади. У бу маконга ўғли билан келади. Ўғил онасининг диёрини у қайта-қайта сўзлаб берган эртакмонанд ҳикоялар таъсирида зумрад далалар ястаниб ётган, зилол сувлар шарқираб оқадиган, майин еллар эсадиган жаннатий маскандек тасаввур қиларди. Бу хароба қишлоқни кўргач эса: “Наҳот онам шу яйдоқ ялангликларга, шу зебсиз масканларга умр бўйи таъриф тополмай ўтган бўлса? Шу бефайз гўшанинг беҳишт макон эканига наҳот ўзи ҳам ишонган, бизни ҳам ишонтирган бўлса?” – дея ҳайратга тушади. Бунга жавобан онанинг айтган сўзлари эса юракларни титратиб юборади: “Юртнинг яхши-ёмони бўлмайди, болам”.

“Олис “Артек” ҳақида хотира” асарида келтирилган болаликнинг аччиқ ёдномаси ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Бу асарларнинг барчасини китобхон ҳаяжон билан ўқиши муқаррар.

“Миллатчининг жазоси” китобида биз таржима қилинган ҳикояларни аслиятда ҳам беришга қарор қилдик. Мақсадимиз халқларимизнинг нафақат тили, балки дили ва дунёқараши, миллий анъаналаримиз ва ҳаёт тарзимиз орасида қанчалар яқинлик борлигини кўрсатишдир.

Истеъдодли адиб Хайриддин Султоннинг моҳир қалами соясида мақсадимизга эришганимизга ишонамиз. Адибдан янги-янги асарлар кутиб қолар эканмиз, қардош ўзбек халқига яна бир бор самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни билдирамиз.

Рамиз АСКЕР,
Боку давлат университети
профессори,
Ўзбекистоннинг “Дўстлик”
ордени соҳиби,
Навоий шаҳри фахрий фуқароси

Озарбайжон тилидан
Маматқул Ҳазратқулов
таржимаси.



Суратда: *Атоқли адиблар Миртемир ва Мақсуд Шайхзода.*

Мутолаа

МАРДЛАР МАДҲ ЭТИЛГАЙ...

Уруш!.. Одамзот асрлар оша уни “Номинг ўчсин!” деб қарғаб келади. Аммо ҳамон ундан нолон, озурда, дилхун. Инсоният ўзи яратган бу офат, қирғинбарот дардга даво тополмай ҳалак. Бу ҳам бўлса, инсониятнинг ҳануз нотугал қолаётганидан далолат.

Уруш – ўлим машинаси. Афсуски, унда нафақат ҳалок бўлганлар, ҳатто тирик қолганлар ҳам ўлади. Чунки ҳар бир уруш қатнашчиси бу оламдаги энг ёвуз жиноят – одамкушликка гувоҳ бўлган. Ўзи ҳам қурол тутган. “Ажал уруғини ҳовуч-ҳовучлаб осмону фалакка сочганим ҳам рост...” Энди бу дунёда оғир тошни елкада кўтариб юришни айтинг!.. Уларнинг нажот излаётгандек боқувчи кўзларига бир бор қарашга бардошингиз етармикин!..”.

“Ном” достонини ўқидим...

Энди ўқидим. Лаҳча чўғмиди у, оташмиди?! Бўғзим куйди, бағрим ловуллади... Асардаги дарду изтироб янгидек, туйғулар оҳорли, самимий. Ҳолбуки, достон бундан 34 йил аввал ёзилган. Бу маҳоратданми ёхуд мавзунинг дилўртарлигиданми?

“Беш йил бу мавзудан чўчиб юрдим”, дейди муаллиф. Сўнг тоғдек Отанинг кўзларига қаролмаганини айтади. “Илк бор ўз исми ўзига халал беради”. Чунки тобора кичрайиб, бир сиқим бўлиб бораётган Отанинг ўғлининг исми ҳам Сирожиддин эди. Достон “Афғон жанги қурбони, рассом Сирожиддин Тўраҳўжаев хотирасига” бағишланади.

Ҳа, у рассом эди, агар ўқ олмаса, албатта, катта рассом бўларди.

Энди айтинг, муаллиф қарашга ботинолмаган Отанинг кўзларидаги тошдек ёшларга, муаллифга “халал берган” исм – Сирожиддин унинг тилидан учганда бағридан отилган оловларга тоқат қилиш мумкинми? Бувининг гапларини эса ерга қараганча, жимгина тингланг. Фақат у томон кўксингизни эмас, елкангизни тутиб тингланг. Елка чидамлироқ, бақувватроқ.

“– Болам шу ергинада ётарди, ҳар сафар ўзим уйғотардим, чинни косасини тўлдириб шу қаймоқлардан ичарди, олинглар силага насиб қилган экан. Ман Худодан эмас, бандасидан кўраман, болам, болам... Болам дейман, болам, болам...”

Дўстлари келсаю келмаса болам,
Дўстлари кулсаю кулмаса болам.
Бир пайтлар сочини тўзғитган еллар
Ҳовлида елсаю елмаса болам.
Кеча топшириши “қизил юлдуз”инг,
Орденни болам деб бўлмаса, болам!..

Машҳур қўшиқдаги ушбу сатрлар шу достондан олинган экан. Умуман, назму наср уйғунлигида ёзилган бу асарни тўлалигича мунгли бир қўшиқ деса бўлади.

Чиндан ҳам достон жуда самимий, дилга яқин оҳангларда ёзилган. Бош қаҳрамон муаллифнинг нафақат яқин кишисига, жигар-жондошига айлангандек таассурот қолади. Шоир ҳар бир қадамини у билан бирга ташлайди. Ўқирканман, менинг ҳам раҳматли отам қучоқ очиб, пешвоз чиққандай: “Э, бормисан, болажоним! Урушда роса қийналган экансан-да, а, ўғлим?! Илоҳи, бошинг тошдан бўлсин!” – дея бағрига босаётгандек туюлиб кетди.

Ҳа, Афғонистонда ҳалок бўлган барча йигитлар ота-оналари худди уларнинг дийдорини соғингани каби, булар ҳам туққан азизларининг кучоқларини соғина-соғина жон беришган. Эҳтимол, мудом соғинарлар!

Муаллиф ўзи жавобини билиб турса-да, катта Отанинг ўғил ҳақидаги фикрларини ўз тилидан эшитишни истаб, минг истиҳолада хаёлан асосий саволни беради. Чунки ўз ўғлини мақташ ўзбек оталарига одат эмас. Эҳтимол, Сирожиддин тирик бўлганида Садриддин ака ҳам бу гапларни айтмасмиди. Ҳозир эса айтади, жигаргўшасини бағрига босиб тургандай сўзлайди, куйиб сўзлайди:

– Феъли ўзгача эди унинг. Эгриликни билмасди, кишининг раҳми келадиган даражада тўғри эди. “Сен, болам, ҳаётда кун кўришинг қийин бўлади, дердим. Болалигидан сурат чизарди. “Битта ишимни Италия ва Францияда кўрсатмагунимча қўймайман”, дерди. Ҳаёт бўлганида бу йил битириши керак эди...

Эҳ, отахон, эгриликни билса, ўққа учармиди?! Ўғлингиз ҳатто ўқнинг ёвуз қилмишини ҳам ўзича яхшиликка йўғириб англаган-да!..

Халқимизда “орзулари олам-жаҳон” деган гап бор. Қаранг, 18 ёшли йигитчанинг орзулари Италия ва Франция осмонларида учиб юрибди. Агар у тирик бўлганида, ҳозир ўша мамлакатларнинг машҳур музей ва кўргазма заллари пештоқларига Ўзбекистон ҳамда ўз исмини зарҳал ҳарфларда ёзган бўлармиди! Афсус!..

Муаллиф Сирожиддиннинг мозорини зиёрат қилгани борганида, у ерда Афғон урушида нобуд бўлган яна етти йигитнинг қабрини кўради. Уларга боқиб, бизлар юқорида эслаган орзу-армонлар ҳақида қуйидаги ўтли сатрларни битади:

“Улар суратларда шу қадар маъсум, шу қадар беозор! Улар – табассум бўлиб улгурмаган лаблар, севишга чоғланиб, шу тахлит мангу сурат бўлиб қолган юзлар, деворлардаги кемтик нонлар – улар, олинмаган суюнчилар, насиб этмаган тўйлару буюрмаган куёвлик сарполари – улар, оналарининг дилида ханжардай занглаган соғинч – улар, шу қадар маъсум, шу қадар ёш!”

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Ном” достони, фикримча, нафақат Сирожиддин Тўрахўжаевга, балки Афғонистонда кечган ўн йиллик уруш мобайнида ҳалок бўлган, кейинчалик, уруш асоратлари сабабли вафот этган барча йигитларга, ҳатто тирик қатнашчиларга ҳам бағишланган. У менинг авлодим – ўтган асрнинг 60-йилларида туғилиб, мудҳиш урушнинг оловлари ичра қоврилишга маҳкум бўлган авлод ҳақида.

Асар 1989 йили – собиқ иттифоқ қўшинлари Афғонистондан чиқарила бошлаган кунларда ёзилган экан. 2019 йил февралида эса, орадан ўттиз йил ўтиб, доно раҳбар топшириғи билан, Мустақиллик майдонидаги Мотамсаро она мажмуаси хиёбонида Иккинчи жаҳон уруши қурбонларига бағишлаб қўйилган ёдгорлик ёнида Афғон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди ва барчаларининг номлари ёзиб қўйилди. Яъни адолат қарор топди. Унинг очилиш маросимида собиқ иттифоқнинг барча республикаларидан Афғон уруши қатнашчилари, ногиронлари, генераллар, расмий вакиллар, марҳумнинг яқинлари иштирок этдилар.

Нима бўлганда ҳам, Сирожиддинлар, яъни “Афғончилар” жасоратли йигитлар эдилар. Бугун Мустақил Ватанимизнинг тинчлигини, сарҳадлари дахлсизлигини сақлаётганлар, ушбу йўлда азиз жонини фидо қилган мардлар уларнинг авлодлари, укаларидир. Демак, жасоратли йигитларимизни шарафламоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Мардлар мадҳ этилгай, гўзал достон учун муаллифга раҳмат! Ҳалок бўлганларнинг эса охиратлари обод бўлсин!

Наби ЖАЛОЛИДДИН



Эътироф

УСТА

Халқимиз ота-буваларининг ижод йўлини танлаган, уларнинг ишини давом эттирган сулола давомчиларини эҳтиром билан “устазода” дейди. Устазодаликда санъатда комил устанинг авлоди эканини эътироф этиш билан бирга, унинг ўзи ҳам ижод аҳлининг назарида бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Таниқли театршунос, устоз Ҳамиджон Икромов ана шундай устазодалардан бири. Зеро, бу инсон улуғ бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Имомжон Икромовнинг фарзандидир.

Устознинг отаси ижод қилган “Муножот” куйига меҳри бўлакча. Отасининг вафотидан кейин у кишининг ижодий меросини жамлаб, нашрга тайёрлаш ишларида бош-қош бўлганида биринчи китобни ана шу куй шарафига “Сарви гулрў келмади” деб номлаган. Иккинчи китобга эса, “Давру давроним гўзал” номи қўйилган. Отанинг ижодига қизиқиш, унинг ҳамкасблари билан мулоқотлар Ҳ.Икромовнинг мусиқани яхши тушунишига, таҳлил қила олишига замин бўлди ва бу кейинчалик касбий фаолиятида ёрдам берди. Театрга ҳавас ҳам болалик пайтида туғилган. Бунда маҳалладоши, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Соат Толиповнинг ўрни алоҳида. Ўша пайтларда Муқимий номидаги театрнинг зали тирбанд, бўш жой топилмасди. Шунда бўлажак театршунос бир чеккада, ерга ўтириб спектакль кўрарди. Ҳар куни, кунора Соат Толипов билан театрга боришни канда қилмасди. Тенгдоши, таниқли театр ташкилотчиси ва актёр Мирзоҳид (С.Толиповнинг ўғли) билан бирга ҳали ўқишни, ёзишни билмай туриб “Тоҳир ва Зуҳра”, “Фарҳод ва Ширин”ни саҳнадан ёд олишганди.

Санъатдаги меҳнат фаолиятини Ҳ.Икромов дастлаб ҳужжатли кино соҳасида бошлади. Ҳали талабалик чоғидаёқ кинематография аълочиси бўлади. Ўз даврининг етук театршуноси Яков Фельдман курсида таҳсил олиб, бадиий таҳлил асосларини ўрганаётган мутахассисда ўзи учун суюкли бўлган икки фаолиятдан бирини танлашдек синов пайдо бўлади... Ҳ.Икромов 1968 йили институтни муваффақиятли тамомлагач, Театр арбоблари жамияти раисининг биринчи ўринбосари Раҳим Қориев таклифи билан жамиятга ишга қабул қилинади.

Устознинг танқидчилик фаолияти кенг кўламли. Яъни тақризлар саҳна санъатининг турли тармоқлари – драма, мусиқали, қўғирчоқ, болалар театрлари турларига оид бўларди. Ҳар бир мақолада театршунос табиатига хос қатъиятлиликни кузатиш мумкин. Зеро, Ҳ.Икромовнинг матбуотда ҳамда жамоат кўрикларидаги чиқишлари ҳамиша спектаклларнинг сайқалланишига ёрдам бериб келади. Бундан ташқари, халқаро фестиваллар, анжуманлар, драматургия, режиссура, актёрлик санъати, томошабин, санъат таълими масалаларига оид мақолаларида жараёндаги манзара аниқ намоён бўлади, ютуқ ва камчиликлар кўрсатилиб, муҳим хулосалар беради. Театршунос мақолаларининг бир қисмини жамлаб, 2009 йили “Давр ва театр” номи билан нашр қилди.

Ҳ.Икромов тадқиқотчилигининг асосий йўналиши болалар учун мўлжалланган театрлар ҳисобланади. Хусусан, 1984 йили Республика ёш томошабинлар театрига оид номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тадқиқотда спектаклларни таҳлил қилиш баробарида, ҳужжатлар, газета архивлари билан ишлади, санъаткорлар билан суҳбатлашиб, ўзбек ва рус ёш томошабинлар театрлари жамоаларининг дастлабки йиллардаги фаолиятини тиклашга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, профессионал қўғирчоқ театри айнан ёш томошабинлар театри таркибида юзага келгани илк бор олим томонидан тадқиқ этилди. Устоз театршунослик билан шуғулланиш баробарида, қарийб 40 йил санъат соҳасида ўқитувчилик қилди. Айнан педагоглик касби Ҳ.Икромовнинг янги фаолият билан шуғулланишини тақозо этди. Дастлаб, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида театр тарихидан дарс берди. Институт раҳбарияти театршуноснинг танқидчиликдаги фаоллигини инобатга олиб, ҳаваскорлик театри жамоалари режиссёрлиги бўлимидан курс раҳбарлиги ва мутахассисликдан дарс беради. Гарчи, талабалар ўқишни асарлардан парчалар намойиш этиш билан якунлаши одат бўлса-да, Ҳ.Икромов раҳбарлигидаги курсларда тўлақонли спектакллар саҳналаштирилади. Айрим асарларнинг таржимаси топилмаганида уларни устоз ўзбек тилига ўгиради. Кейинчалик, Ҳ.Икромов бир неча бор давлат буюртмаси билан театрларда спектакллар саҳналаштириш ишига ижодий маслаҳатчи сифатида жалб этилди.

1993 йили олим Маданият ишлари вазирлигида санъат бошқармасига бошлиқ, 1995 йили эса, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича биринчи проректор этиб тайинланди. 1998–1999 йиллари ва 2002 йили институт ректори вазифасида ишлади. 2003–2011 йиллар давомида “Санъатшунослик” кафедрасига мудирлик қилди. Устоз, аввало, Санъат институтида бўлажак театршунос ва санъатшунос-журналистларга мутахассисликдан дарс бера бошлади. Я.Фельдманнинг педагоглик тажрибасини кенг қўллаб, бир ўтиришда тайёргарликсиз ёзиладиган ва таассурот характеридаги мини-тақризни қайта тиклаб, унга “блиц” номини берган ҳолда ўқув жараёнига жорий этди. Умуман, Санъат институтида журналистларни ўқитишда янгиликлар тайёрлашдан кўра таҳлилий жанрларни ўргатишга урғу берилди. Бу эса, кейинчалик кадрларнинг медиамаконда ўз ўрнини топиб кетишига йўл очди. Унинг бошчилигида кафедра театршунослик, драматургия, санъат журналистикаси таълими бўйича йирик услубий марказга айланди. Кафедрада қатор фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзилишига бош-қош бўлди. Ўзи ҳам “Хорижий театр тарихи”дан хрестоматия учун Дени Дидронинг “Актёр ҳақида пародокс” ва Виктор Гюгонинг “Оливьер Кромвел” сарлавҳали назарий мақолаларини таржима қилиб берди. Бу ўқув адабиётлари ва дастурларидан ҳамон таълим жараёнида фойдаланилмоқда.

Ҳ.Икромов расмий ташкилотлардаги меҳнат фаолиятини тўхтатган бўлса-да, театр маърифати билан шуғулланишда давом этди, унинг эркин ижодкор сифатидаги фаолияти янги босқичга ўтди. Газета ва журналларда мақолалар чиқарди, телевидение кўрсатувлари ва ҳужжатли фильмларга интервьюлар берди, айни пайтда республика бадиий кенгаши аъзоси сифатида маданий ҳаётда иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, Интернет тармоғида санъат масалаларига оид чиқишлар ҳам қилади. 2022 йили чоп этилган “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” учинчи китоб-альбомдан Ҳ.Икромовнинг машҳур ҳофиз – Қобил қори Сиддиқов ҳақидаги мақоласи ўрин олган. Унда санъаткорнинг сурати биринчи бор эълон қилинди. Шу йили чоп этилган “Иккинчи жаҳон уруши ва Ўзбекистон халқи: тадқиқотлар” илмий тўпламида Қ.Сиддиқов ҳақидаги мақолалари тўла нашр этилди. Мақолани ўқиганлар қўнғироқ қилиб, кўзларига ёш олишганини айтишди. Бу кўзёшларга нафақат халқимиз, балки соҳа мутахассислари ҳам унутиб юбораёзган Қобил қорининг аянчли қисматидан таъсирланиш билан бирга, уни ёзган муаллифнинг маҳорати ҳам сабаб, десак муболаға бўлмайди.

Ҳамиджон Икромовнинг 2020 йилда суратга олинган “Бастакор” (режиссёр М.Карабаев) фильмига ёзган сценарийси катта воқелик бўлди. Ўзбек санъатидаги катта дарға, машҳур бастакор Имомжон Икромов фаолияти ҳақида фильм суратга олишда ўзига хос муаммолар юзага келди. Биринчидан, ижодий жараён Covid-19 даврига тўғри келган бўлса, иккинчидан, жуда катта ва серқирра ижодий фаолиятни 23 дақиқага сиғдириш эди. Шу сабаб, фильмга бастакор ижодининг муҳим ўринларигина кирди...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор, “Антик дунё” халқаро илмий академияси академиги Ҳамиджон Икромов ота номига содиқлик билан устазодалик мақомини баланд кўтара олди. Ўз фаолияти давомида Уста даражасига етишди. Санъат ва маданият соҳасининг турли тармоқларида кадрлар тайёрланишига ҳисса қўшди.

Устани умрнинг улуғ довони билан муборакбод этган ҳолда, Аллоҳдан яна узоқ йиллар давомида ижодларидан баҳраманд бўлиш бахтини сўраб қоламиз.

Қутлуғ ёшингиз қуллуқ бўлсин, устоз!

Козимхон САЪДУЛЛАЕВ,
Бахтиёр ЁҚУБОВ,
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа докторлари

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК ФЕСТИВАЛИ

Бошланиши 1- саҳифада

Тадбирда сўзга чиққан Бадиий академия раиси Акмал Нуриддинов йиғилганларга фестивалнинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб, жумладан, шундай деди:

– Аввало, ушбу фестивални ўтказишда биз билан ҳамкорлик қилаётган Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигига миннатдорлик билдираман.

Шуни айтиш жоизки, мазкур фестиваль авлоддан авлодга ўтиб келаётган бой миллий санъатимизни тарғиб қилиш, ўзбек тасвирий ва амалий санъатини кенг





танитиш, ижодкорлар ўртасида тажриба алмашиш, янги истеъдодларни юзага чиқариш, устоз-шогирд анъаналарини муносиб давом эттириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Бу йилги фестиваль доирасида ТУРКСОЙ ташкилоти билан ҳамкорликда турк давлатлари рассомларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирни фестиваль кун тартибига киритишдан асосий мақсадимиз туркий халқлар нафис санъат академиясини ташкил этиш. Анжуман доирасида шу мавзуда давра суҳбати ташкил этилади. Бадиий академиянинг туркий давлатлар рассомлари кўргазмасини ўтказиш ҳақидаги таклифини ТУРКСОЙ ташкилоти қўллаб-қувватлади. Хуллас, фестиваль доирасида кўплаб қизиқарли тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Давлатимиз ушбу фестивални иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётгани юртимизда маданият ва санъатга берилаётган юксак эътиборнинг намунасидир.

Айтиш жоизки, беш кун давомида нафақат Тошкент шаҳри, балки вилоятлар марказлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси кўргазма залларида, таниқли ижодкорларнинг, усталарнинг сара асарлари асосида кўргазмалар, маҳорат дарслари, бадиий дастурлар намойишлари, илмий анжуманлар, ёш ижодкорларнинг ижодий лойиҳалари намойиш этилади. ТУРКСОЙ ташкил этилганининг 30 йиллигига бағишланган “Турк дунёси рассомларининг учрашуви” номли кўргазмадан Озарбайжон, Туркия, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ҳамда Венгрия рассомларининг ишлари ўрин олган.

* * *

Душанба куни Марказий Кўргазмалар залининг кириш қисми байрамона тус олди. Фестивалнинг илк куни буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди. Фестивалнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов барча қатнашчиларни табриклаб, мўйқалам соҳибларига, қатнашчиларга омад ёр бўлишини тилади. Очилиш маросими доирасида П.Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби ўқувчиларининг тарихий либослари намойиш этилди. Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати оркестр-ансамбли ва доирачилар жамоасининг чиқишлари тадбирга файз бағишлади.

“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” билан ҳамоҳанг ўтаётган ҳафталик давомида Марказий кўргазмалар залида ўтган йилги фестиваль доирасида илк кўргазмалари бўлиб ўтган Кемён университети профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг кенгроқ таркибдаги кўргазмаси очилди. Фестивалда Кемён университетидан ташқари, бошқа кўплаб хорижий таълим муассасалари, жумладан, “Климович болалар тасвирий санъат мактаби” давлат таълим муассасаси (Беларусь), Тулун шаҳрининг “Болалар бадиий мактаби” Муниципал автоном муассасаси (Россия); Загира Исмагилова номида Уфа давлат санъат институти (Россия), академик Э.А.Букетов номидаги Қарағанда университети (Қозоғистон) вакиллари иштирок этмоқда. Шунингдек, Марказий кўргазмалар залида Беларусь, Россия, Қозоғистон, Исроил ва Корея Республикасидан 24 нафар рассом асарлари намойиш этилмоқда. Ушбу залнинг биринчи қаватида очилган экспозицияда Республика ихтисослаштирилган дизайн мактабининг амалий санъат бўлими ўқитувчилари Гўзал Нуриддинова ва Гулнора Азимованинг каштадўзлик намуналари намойиш этилмоқда. Иккинчи қаватда очилган кўргазмада театр, кино ва анимация шўъбаси рассомлари “Макон ва вақт ташқарисида” деб номланган лойиҳани намойиш этмоқдалар. Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад кенг жамоатчиликка шу соҳадаги янги номларни таништириш, шунингдек, ёш ижодкор ва талабалар авлодининг интилишларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Ушбу лойиҳа ёшлар орасида турли фикр мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, Бобур Исмоилов, Татьяна Федева, Жамол Усмонов, В.Хапов, В.Гребнюк, С.Юлдашев каби ижодкорларнинг асарлари иштирокчилар эътиборини тортди. Мехрнигор Абдуллаева яратган “Саҳродаги ишқ тафаккури” деб номланган инсталляция фестиваль қатнашчилари ва мухлисларни мафтун этди. Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли рассом Тимур Раҳметовнинг тадбир иштирокчилари учун ўтказган маҳорат дарси ҳам қизиқарли бўлди.



Маҳорат дарси. Гаҳримон Гўчмурадов. (Туркманистон)

Шунингдек, Жанубий Кореянинг Кемён университети ўқитувчилари ва талабаларининг кўргазмаси ҳам иштирокчилар эътиборини тортди. Янг Южиннинг “Гулбоғ”, Жанг Таемокснинг “Гуллаш. Мингта гулбарг” каби тасвирий ва амалий санъат намуналарида Корея халқининг азалий анъаналари мужассам. Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда “Франция ва унинг ўзига хос мероси” номли фотокўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси галереясида очилди. Кўргазмадан Франциянинг тарихий ва замонавий ҳаётига доир фотосуратлар ўрин олган. Фестивалнинг илк куни Тошкент фотосуратлар уйида С.Сабирбаевнинг “Сердолик” номли кўргазмаси намойиши билан якунланди.

* * *

Марказий кўргазма зали олди ва атрофларида ёшлар ижодидан таркиб топган экспозиция ажиб манзара касб этган. Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчилари акварелда турли гуллар, манзаралар чизишмоқда. Ёш рассом мольбертни қулай ўрнатиб, дўстининг портретини иштиёқ билан тасвирламоқда. Ёш кулол чарх айлантиради. Гўё унинг қўлларида чарх билан бирга дунё айланаётгандек... Бу манзарани тенгдошлари қизиқиш ва меҳр билан кузатиб турадилар. Республика ихтисослаштирилган дизайн мактабининг амалий санъат бўлими ўқувчи қизлари эса кашта тикиш билан банд.

Ҳайкалтарошлар орасида ҳам қизғин ижод жараёни давом этмоқда. Устозлар шогирдлари ишини кузатадилар. Таниқли ҳайкалтарош, рассом Азамат Ҳотамов: “Бу каби фестиваллар, аввало, ёшлар ва мураббийлар учун жуда муҳим. Фестиваль давомида янги истеъдодлар кашф этилади, уларнинг ижодига яқиндан назар солиш имкони туғилади. Таниқли рассомлар тажрибаларини ёш ижодкорларга меҳр-муҳаббат билан ўргатишларига умид қиламан. Зеро, устоз-шогирд анъаналари бардавом экан, тасвирий санъат гуллаб-яшнайверади”, деди фахр билан.

Мазкур санъат фестивали ҳақида қозоғистонлик профессор, санъатшунос, дизайнер Жанарбек Бешкенов шундай деди: “Тошкентга биринчи марта келишим. Санъат байрами менга жуда ёқди. Фестиваль жуда юқори даражада ўтяпти. Келаси йили бу ерга имкон қадар кўпроқ ёш рассом ва дизайнерларни юборишга ҳаракат қиламиз. Ўзбек ижодкорлари юқори профессионал даражада ижод қилаётганини мамнуният билан қайд этаман”.

* * *

Фестивалнинг иккинчи куни Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси амалий санъат шўъбаси аъзоларининг маҳорат дарсларини бошланди. Унда ганч усталари Баҳодир Султонов, Носир Маликов, нақш усталари Ғайрат Шокиров, Бурҳонхўжа Мансурхўжаев, Дилшод Комилов, ёғоч ўймакорлиги усталари Шуҳрат Аҳмедназаров, Абдумажид Абдураҳмонов маҳорат дарсларини ўтдилар.


Тадбир Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида давом этди. Бу ерда “Турк дунёси рассомларининг учрашуви” номли кўргазма очилди. Экспозициядан Озарбайжон, Туркия, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлардан ташриф буюрган рассомлар билан бирга, Шаҳноза Абдуллаева, Собир Раҳметов, Бахтиёр Маҳкамов, Акмал Нур, Алишер Аликулов, Хуршид Зиёхонов, Эрик Кулманов, Мирвоҳид Мирсаидов, Иброҳим Валихўжаев, Фаррух Аҳмадалиев, Ғайрат Ибрагимов, Мурод Қорабоев, Файзулла Аҳмадалиев, Ғофур Қодиров, Мухтор Исанов сингари юртимиз ижодкорлари асарлари ҳам ўрин олган.

Бошланиши 1-саҳифада, давоми 6-саҳифада

НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК ФЕСТИВАЛИ

Бошланиши 1-5-саҳифада

– “Турк дунёси рассомларининг учрашуви” кўргазмасида иштирок этиш насиб қилганидан мамнунман, – дейди туркманистонлик рассом Гахриман Гочмурадов.



Чаримурад Язмуразов. (Туркманистон) Румий.

– Биз туркий халқларимиз. Меҳмонларни эъзозлаб кутиб олган ўзбек халқига раҳмат. Шаҳар янада гўзаллашибди. Тинчлиги, одамларнинг хотиржамлиги эътиборимни тортди. Ўзбек рассомлари ижодини кузатиб бораман. Уларнинг ишларида миллий анъаналарга кенг ўрин берилган. Бир қараганда асарларидан мусиқа таралаётгандек таассурот қолдиради. Бу ерда анъаналар ўзаро ўхшашлигини, бир-бирини тўлдиришини ҳис қилдим.

– Ўзбекистон бизнинг ота юртимиз, дейди туркиялик рассом Азиз Рефик. – Юртингизда илк бор бўлишим, жуда ҳаяжондаман. Аждодларим изи бор-да, бу йўлларда. Жуда сўлим ўлка, одамлари меҳмондўст, рассомлари ҳам ниҳоятда маҳоратли. Нуфузли кўргазмада иштирок этиб, муҳташам санъат масканида асарларим намойиш этилаётганидан бахтиёрман.

Марказий кўргазмалар залида ўтган Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг замонавий ва анъанавий либослар намойиши йиғилганларга манзур бўлди. Дмитрий Ахунбабаевнинг “Nevskaya palitra” билан ҳамкорликдаги маҳорат дарси Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида бўлиб ўтди. Тошкент Фотосуратлар уйида Саидбек Сабирбаевнинг маҳорат дарси ташкил этилди. Бадиий академиянинг Анжуманлар залида “ТУРКСОЙ ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар рассомларининг санъат ва маданият соҳасидаги кўпқиррали ҳамкорликларини ривожлантириш” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Пойтахтимиздаги Халқаро маданият карвонсаройида Миллий рассомлик ва дизайн институти дастгоҳли рангтасвир кафедрасининг кўргазмаси очилди. Унда устоз ва шогирдларнинг турли мавзулардаги асарлари намойиш этилди. Тадбирлар россиялик ижодкор, Дизайн ва декоратив санъат коллежи ўқитувчиси Мария Третьякованинг рангтасвир бўйича маҳорат дарси билан якунланди.



Кадир Аблоск (Туркия). Метропол анатомияси.

* * *

Тошкент Фотосуратлар уйида кулол Юрий Ким кўргазмаси билан фестивалнинг учинчи куни очилди. Кулолнинг ишларида миллий анъаналар пишиқ деталлар ва бироз юмор билан бойитилган. Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Алишер Ҳамдамовнинг акрил бўйича маҳорат дарси тингланди. Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби ўқитувчиларининг замонавий ва анъанавий либослар намойиши, “Музей дизайни: амалиёт ва тажриба” мавзуидаги давра суҳбати, Елена Лабецкаянинг,




Сейсенхон Махмабетов (Қозоғистон). Сафар қўшиғи.

Гахраман Гочмурадов ва Тойли Чапановаларнинг маҳорат дарслари қизиқарли ўтди. “Камолиддин Беҳзод издошлари” танлови ғолибларининг миниатюра ва халқ санъати асарлари, Тошкент Архитектура қурилиш университети талабаларининг кўргазмаларида ўқувчи-талабаларнинг орзу-умидлари ифода этилган асарлар намойиш этилди. Кун сўнгида кинорассом Анастасия Рейимованинг кўргазмаси очилди.

* * *

Фестивалнинг тўртинчи куни ҳам воқеаларга бой ўтди. Маҳорат дарслари, турли анжуманлар иштирокчиларга унутилмас таассуротлар тақдим этди. Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати ўқувчиларининг концерт дастури фестиваль иштирокчиларига хуш кайфият бағишлади.



Сакит Мамедов. (Озарбайжон) Шаҳзода.

Бугун Бадиий академиянинг кўргазмалар залида фестивалнинг фаол иштирокчиларига соврин ва дипломларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтади. Шу билан мухлисларга хуш кайфият улашган баҳорий фестиваль ўз ишини якунлайди.

Гулчеҳра УМАРОВА,
Сарвара ҚОСИМОВА



Элдорбек Айтматов. (Қирғизистон) Механизм.

ҚОЛГАНИ – ПУЧ!

Ҳангома

– Ҳамма ўз идорасига бориб, шундай йиғилиш ўтказсин, бу – бир! Одамларнинг юрагига олов ташланг, ёниб яшайлик, бу – икки! Мактабларда, боғчаларда, баннисаларда, кластер, фермер хўжаликларда ишни гуриллатинг, бу – уч! Қолгани нима?

Юқоридан келган бошлиқ ўтказган беш соатлик мажлис якунида бундай кўндаланг савол қўйилиши мудраб ўтирган тумандаги ташкилот раҳбарларини довдиратиб қўйди, шунда унинг ўзи олов пуркагандек:

– Қолгани – пуч! – деди тантанавор оҳангда.

Шу чоққача хаёли ёндош манзил-мароҳилларга кириб-чиқиб, телефонига бебилиски шўнғиган районо мудираси бирдан сергак тортди: нима деди, гуриллатиш керак, дедими?!.

Фақат ҳали... иситиш мавсуми бошланмади-ку? Қозонхоналарга ўт ёқишга топшириқ берворсинмикин? Қийин масала – гуриллатиш керак! Қишда ёқишга жамғарилган толқон кўмир ёнгандай бўлади-ю, гурилламайди, нима қилсин, нима қилса экан!

Ҳокимиятга бориб ўзидан юқори раҳбар аёл ҳузурига кирди.

Мудира аввалига раҳбарини танимади. Кеча йиғилишда ёнма-ён ўтириб юзига қарамаган экан. Ҳамишагидек деб ўйлаган-да. Ақлу ҳушини йўқотиб, анқайиб, тили галдиради:

– Вой, танимабман. Бой бўларкансиз, бунча бошқачасиз!

Яқинда меҳнат таътилига чиққан раҳбар юзини пластик жарроҳ қўлидан ўтказиб, “ёшариб” қайтганди. Манглайидаги ажин йўқолган, териси таранг, лабининг чап томони бироз тепага, кўзининг жияги пастга тортилиб, қовоғи текисланиб қолганини айтмаса, бир қараганда, чиройли кўринарди.

– Қанақа? – раҳбар чиройини йўқотмаслик учун андак жилмайгандек калта савол ташлади. Операциядан кейин жарроҳ унга шундай деганди: “Кулмайсиз, асло кулмайсиз, юзингиз ўзи табассумли, шундай қилиб қўйдим. Мотам маросимига борсангиз, рўмол ўраб олинг”.

– Ёниб турибсиз, ёниб! – мурданикидек оқ, табассумдан кўра кўпроқ ҳиссиз иршайишга ўхшаган юз ифодасига қараб ёлғонлади мудира. – Аммо мен бечора қандоқ кунга қолганимни билолмай адо бўляпман.

– Нега? – мумдек бетида ажин изларини юзага қалқиб чиқишидан хавотирда гапни қисқа қилди раҳбар аёл. – Яқинда ҳузурларида бўлганимда ишни гуриллатинг, девдилар; бугунги мажлисни ҳам шу топшириқ билан якунладилар – ҳаммаёқда шунақа, шекилли.

“Ишни қандай гуриллатиш, одамлар юрагига қандай олов ташлаш мумкин?” – гапиришдан кўра фикрлаш ўзига қулай-роқ эканини англаган раҳбар ўзини ишга солди:

– Кундузи ўт ёқсангиз ҳеч ким кўрмайди, – деди у ташвишли оҳангда.

– Фақат тутуни чиқади-ку.

– Унда нима қил дейсиз?

– Олтида иш тугайди, ходимлар уйига кетади.

– Ҳа, тушундим, қош қорайганда гуриллатамиз. Олов кўринади, тутуни билинмайди – бошлиққа етиб боради, фидойилар тер тўкиб ишлаяпти, деб ўйлайди.

– Фақат мен оловнинг яқинига бормайман.

– Хотиржам бўлинг, ўзим боплайман, қишга жамғарилган ўтин кўп. Гуриллатиш қанақалигини кўрсатиб қўямиз!

– Гуриллатинг! Ўт ўчирувчилар шай турсин, тағин...

– Стадионда ёки ҳовлида гуриллатамиз, хижолат бўлманг. Болалар мактабдан кетади, иш тугайди. Ходимларни бита қўймай олиб қоламан, гулхан атрофида гурунглашиб ўтиради. Шунда уларнинг юзлари қизиб, юрагига олов илашади.

– Сизга қойил, ана-а, ташаббус!

Раҳбар кулмоқчи эди-ю нимадандир чўчиб, ўзини тийди, қовоғи осилди – чеҳраси баттар совуқ тус олди.

Мудира буни пайқамади – ширин хаёл оғушида хонадан учиб чиқди.

Мактаб-боғчаларда осмондаги юлдузга етгудек гулханлар гуриллади. Бу чоқда нима уч, нима пучлиги маъносини ахтариб тополмаганлар унинг бу ишидан хабар топгач, ақллари ишлаб кетди – осон экан-ку! Шунгаям ота гўри қозихонами – беш соат майлис қилди-я, э, аҳмоқ!

Гулханлар ловуллади, ҳаммаёқда қўлида машъала тутганлар – бошқа ташкилотларнинг кайвонилари ҳам олов ёқиб, бунақа ишларга, айниқса, ўзимизнинг ғўзапоя аскотишини кашф этишди – газ нега керак, дейишди. Мақталиб келинган ўрик тўнкаси-ю тут шохлари ҳам унинг олдида ип эшолмас, қолгани пуч, деганича бор экан.

– Тавба, – кафтини тўлдириб носвой отди мактаб коровули қуш катагидек коровулхонанинг кафтдек деразасидан ташқари боқиб.– Ўтинни ёқиб соб қилишди, энди қишда нима бўлади? Ҳай, майли, яна юқоридан бирон йўл-йўриқ тушар...

Кўп ўтмай, уни носвой элитди шекилли, қиш ташвиши ёдидан кўтарилиб, тахта сўрига тўшалган яғир кўрпача устига ёнбош урди.

БЎЗБОЛА

Гул кўп, чаман кўп...



Жойс ва октябрь инқилоби

1932 йили Москвадаги “Революция Ёзувчилари Халқаро Союзи” Жойсга анкета саволи юборади: “Октябрь инқилоби Сизга ёзувчи сифатида қандай таъсир кўрсатди ва бу Сизнинг ижодий ишингизда қандай аҳамият касб этди?”. Хатга Союз котибаси Романова имзо чекади. Жойснинг котиби, собиқ оқгвардиячи Поль Леон (Павел Леопольдович) номидан анкета саволига қуйидагича жавоб келади:

“Муҳтарам жаноби олийлари, жаноб Жойс ўзига кўрсатилган эҳтиром учун мен орқали ташаккурини изҳор этиб, шу муносабат билан Россияда 1917 йил октябрда инқилоб бўлганидан энди хабар топганини билдирдилар. Ўзаро муҳокамаларга кўра, маъзур тутасизки, Октябрь инқилоби таъкидланган ўша йилнинг ноябрида бўлганига аниқлик киритилди. Ҳозиргача у йиғиб келган маълумотларга кўра, ушбу воқеанинг аҳамиятини салмоқлаб кўриш мушкул, ва у таъкидлашни истайдики, агар сизнинг котиба имзосини кўриб мулоҳаза юритилса, кўриниб турибдики, ўзгаришлар унчалик катта эмас”.

«Улисс» – 100 романнинг биринчиси

Инглиз тилидаги 100та энг яхши романлар рўйхати Жеймс Жойснинг “Улисс” асари билан бошланади. Ҳайъат аъзолари орасида битта ҳакамгина Жойснинг романини биринчи эмас, тўртинчи ўринга қўяди, холос. Иккинчи ўринга Скотт Фитцджеральднинг “Буюк Гэтсби”си лойиқ кўрилади. Учинчи ўринда яна Жойснинг асари – “Мусаввирнинг ёшликдаги шамойили” романи! Унинг “Финнеган маъракалари” (“Finnegans Wake”) эса, 77 ўринни эгаллайди.

Bloomsday — Блум куни

1904 йил 16 июнь Bloomsday Блум куни бўлиб адабиёт тарихига кирган. Шу куни кўчада (Nassau Street) кетаётган Жойс ва меҳмонхона (Finn’s Hotel) ходимаси Нора Барнакль биринчи марта учрашади. Жойс “Улисс” романини ёзиб, бу санани тарихга абадий мухрлайди: роман воқеалари худди шу бир кунда бўлиб ўтади ва унинг қаҳрамонлари Стивен Дедал ва Леопольд Блум Дублин бўйлаб кезишади.

Ҳар йили 16 июнь куни “Улисс” мухлислари бутун дунёда Bloomsday ўтказишади. Кўп китобхонлар шу куни Ирландияга бориб роман қаҳрамонлари – Блум ва Стивен изидан юриб, Дублинда саёҳат қилишади.

Bloomsdayнинг 100 йиллиги бутун дунёда, жумладан, Ирландияда юксак савияда ўтказилган бўлса-да, бир замонлар ёзувчининг ўз юртида Жойс номи қадр топмаганди. Ўтган асрнинг 60-йилларигача Ирландияга “Улисс” романини олиб кириш таъқиқланган, аммо айрим чаққон китобхонлар йўлини топиб олиб киришган.

“Улисс”ни чоп этишга расмий рухсат берилгунга қадар, 1954 йили Дублинда тор доирада Bloomsday ўтказилади. Ўшанда беш киши, жумладан, ёзувчилар ва ўзини Жойснинг қариндоши деб таништирган киши Мартелло минорасидан Дэви Бирн томонга йўлга чиқишади. Шундан сўнг 1982 йилгача Дублинда Bloomsday ўтказилмайди.

1962 йил 16 июнда Мартелло (Martello Tower) минорасида – “Улисс” воқеалари бошланган жойда Жеймс Жойс музейи очилади. Очилиш маросимида кўплаб ирланд сиёсатчилари, Мари Жола ва Сильвия Бич ҳам иштирок этади.

1982 йилга келиб, Жеймс Жойснинг юз йиллиги муносабати билан Дублинда расмий равишда Bloomsday ўтказилган, шундан сўнг йилдан йилга бу тадбир қамрови кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда Дублин кўчаларида Жойс ҳайкали ва “Улисс” қаҳрамонлари ўтган йўлни тасдиқловчи кўрсаткичларни учратиш мумкин.

XX асрнинг буюк романи

“Улисс” романи биринчи нашридан бошлаб юзйилликнинг энг қиммат китоблари қаторидан жой олган. Рейтингга кўра, Bookand Magazine Collector журналида чоп этилган биринчи нашри яхши сақланган ҳолида, муаллиф имзоси бўлса, айни вақтда £100.000 евро туради. Бу эса, асрнинг энг қиммат китоби саналади.

“Улисс”нинг китоб ҳолидаги биринчи нашри 1922 йили Парижда, Shakespeareand Co нашриёти томонидан амалга оширилган. Мовий ранг муқовадаги китоб минг дона нашр қилинган бўлиб, улардан юз донасига муаллиф имзо чекиб қолдирган.

“Улисс”нинг биринчи нашри, муаллиф имзолаган нусхаси 2004 йил Нью-Йоркда Sotheby's кимошди савдосида оламшумул нархда $288,000 (£160,000) долларга сотилган. Бу китоб ниҳоятда яхши сақланган эди.

O‘ZBEKISTON adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Ҳумоюн АКБАРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир Шуҳрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 1005. Буюртма Г - 438.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А- 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

”Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X